



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan e-mail: uzas@b2c.uz 2012-yil 23-noyabr • №47 (4186)

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига ИНСОН ЭРКИ — ДАХЛСИЗ

Қадим юртимизда истиқлол энёсидан баҳра олиб, улуғ аждодлардан мерос давлатчилиги аъёнларини қайта тиклаганимиз ва энг замонавий муштам мамлакат барпо эта бошлаганимизга салкам чорак аср бўлаётир. Мана шу тарихан ғоят қисқа даврда мамлакатимиз ҳар жабҳада, ҳам иқтисод, ҳам сиёсатда кун сайин янги истиқболларга йўл очаётир. Менинг назаримда бунинг замирида халқимиз ҳаётига чуқур сингиб кетган, миллат сифатида ўзлигимизни англаётган маънавий неъматлар, диний қадрият ва исломий тушунчаларга эҳтиром кўрсатилаётганининг ҳам бекиёс ўрни бор. Юртбошимиз «Биз боболаримизнинг муқаддас дини бўлган ислом динини қадраймиз, ҳурмат қиламиз, одамзод руҳий дунёсида нймон-этиқодини, инсоний фазилатларни мустаҳкамлашда унинг ўрни ва таъсирини юксак баҳолаймиз», дея таъкидлагани бежиз эмас.

Дарҳақиқат, Президентимиз фармонлари асосида Рамазон ва Қурбон ҳайити кунларининг дам олиш кунини деб эълон қилиниши мазкур саналарни диний байрам сифатида нишонлашга кенг йўл очди. Миллатимиз тарихи ва қадриятларига доир бу икки муборак айём катта маънавий жасорат билан ҳали истиқлол арафасидаёқ халқимизга қайтарилди. Шундан буён ҳайит кунлари мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлаб келинмоқда.

1992 йилнинг 8 декабрида Олий Кенга сессиясида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида бу борадаги ҳақ-хуқуқларимиз қонуний

тарзда мустаҳкамлаб қўйилди. Инсон эркининг дахлсизлиги, халқимиз руҳиятига мос келадиган имон-этикод, адлу инсоф, диёнат, меҳру оқибат, ор-номус, ифбат ва ҳаё каби энг эзгу фазилатлар Конституциямизда муфассал даражада ўз аксини топди. Шунингдек, Ўзбекистон ҳудудида яшовчи ҳар бир фуқароннинг манфаатлари, ҳуқуқ ва бурчлари, дин ва виждон эркинлиги масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Асосий Қонуни-мизнинг 31-моддасида «Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динига эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбу-

ран сингдиришга йўл қўйилмайди», деб ёзиб қўйилган. 61-моддада эса «Диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ҳамда қонун олдида тенгдирлар», дейилган.

Асосий Қонуни-мизда ўз аксини топган бундай эркинликлар коммунистик тузум даврида бошқа динлар қатори ислом динига етказилган ситамкорлик ва зулм сиёсати асоратларини бартаф этиш, диннинг маънавий ҳаётда тутган ўрнига ҳолисона баҳо бериш имкониятини яратди. Дин ва диндорларга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Кўплаб масжид ва мадрасалар очилди. Ислам динига мансуб бир қанча тарихий ёдгорликлар мусулмонлар ихтиёрига қайтарилиб берилди. Бугина эмас, ўтган йиллар давомида ислом динининг ривожини йўлда ҳам ғоят улкан ишлар амалга оширилди. Истиқлол шарофати билан мамлакатимизда жаҳон илм-фани ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган Имом Бухорий, Имом Термизий, Аҳмад Фарғоний, Абу Мансур Мо-туридий, Бурхониддин Марғиноний, Абдуллоҳиқ Гийдувоний, Баҳоуддин Нақшбанд каби улуғ аллома ва азиз-авлиёларимизнинг таваллуд саналари кенг нишонланди, уларнинг илмий меросини чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш йўлга қўйилди, ёдгорликлари обод қилинди.

Давоми иккинчи саҳифада.




Гран-при туркуми иккинчи босқичи иштирокчилари. Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.

Кунни кеча Тошкентда шахмат бўйича йирик халқаро мусобақа — Халқаро шахмат федерацияси Гран-при турнирининг иккинчи босқичи бошланди. Унда донна сурадиган жаҳоннинг энг кучли ўн икки гроссмейстери орасида Ўзбекистоннинг биринчи рақамли шахматчиси, ўн еттинчи жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов ҳам борлиги барчамизни қувонтиради. Юртимизда улкан шахмат байрами шуқуҳи кезиб юрган кунларда шахматнинг чин шайдоси бўлган устоз ижодкорлардан бири Ўзбекистон Қўрамонни, Халқ шоири Эркин Воҳидов билан суҳбатлашдик.

Эркин ВОҲИДОВ:

ШАХМАТ АБАДИЙДИР, ШЕЪР ҲАМ АБАДИЙ...



— Эркин ака, ушбу нуфузли турнирнинг юртимизда ўтказилиши халқаро майдонда мамлакатимизнинг обрўси ошиб бораётганидан далолат беради, шундай эмасми?

— Истиқлол йилларида халқимиз, мамлакатимиз тарих учун қисқа, лекин мазмунан катта бир даврни босиб ўтди. Ўзининг буюк инсонлари номини тиклади. Дунёда обрў-эътибор топди. Маънавият, маданият юксалди. Спорт кенг қанот ёзди. Бир кун келиб футболимиз бугунгидек дунё даражасига кўтарилди, деб ким ўйлабди дейсиз. Ногирон спортчиларимиз жаҳон чемпиони бўлиши кимнинг ҳаёлига келибди. Биздан шахмат бўйича жаҳон чемпиони чиқади, деб ҳеч ўйлаганмидик. Буларнинг ҳаммаси юртимизнинг келажига тўғрисида қайғуриб, ҳам ақлан, ҳам руҳан, ҳам жисман соғлом авлодни тарбиялаш учун қилинган ҳаракатларнинг натижаси. Биринчи навбатда, Президентимиз эътибори, жонқуярлигининг меваси.

Ўзбекистонда катта шахмат анжумани ўтказилаётганлиги, бу-юртимизнинг шахмат ватани сифатида тан олинди. Ундан ташқари, жаҳон чемпиони етишиб чиққан тулпаримизда дунё тан олган жуда кўп гроссмейстерлар камолга етганининг эътирофидир.

Бугун Ўзбекистон фарзандлари ҳар бир соҳада ўз ис-

теъдод ва салоҳиятини намоён этаяпти. Мен, айниқса, шахмат ишқибози сифатида бу гўзал ўйин билан боғлиқ воқеликларни мунтазам кузатиб бораман. Эсимда, истиқлолнинг иккинчи йилдаёқ шахматчиларимиз Бутунжаҳон шахмат олимпиадасида иккинчи ўринни олган эди. Ушанда шундай қувонганмизки... Шўро замонида, ростки, ҳеч ким эмас эдик. Ўзбекистоннинг на футбол, на кураш, на шахматини биров биларди. «Кураш» деган сўз дунё халқлари оғзига тушиб, ўзбекнинг миллий спорт тури сифатида эъзоз топгани, дунёга чиқгани — бу ҳам жуда катта фахримиз, ифтихоримиз. Юртимизда шахмат бўйича шундай нуфузли мусобақанинг ўтказилаётгани ҳам нафақат спортимиз, умуман, жамиятимиз ҳаётида катта бир воқеа ҳисобланади. Чунки шахмат — интеллектуал ўйин, шахматда эришилган даража халқнинг интеллектуал қудратини кўрсатиб беради.

— Биз шахмат оламида етакчи мавғага эга халқлардан биримиз. Соҳибқирон Амир Темур даврида Самарқандда, Алишер Навоий даврида Хиротда шатранж мусобақалари тез-тез ўтказилиб турилгани манбалардан маълум...

Давоми олтинчи саҳифада.

ТЕАТР ФЕСТИВАЛИ

Шу йилнинг 24-25 ноябр кунлари пойтахтимиздаги Ўзбекистон ёшлар театрида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Германия элчихонаси билан ҳамкорликда театр фестивалини ўтказилади.

Унда «Мактаблар — келажак ҳамкорлари» таснифига нисбатан сўзлашувчи театр гуруҳлари ҳамда республикамиздаги иккита университет жамоалари ўз асарларини намоиш этади.

Вазирлик матбуот хизмати хабарига кўра, фестивалнинг биринчи кунини Марғилон шаҳрининг 6-мактаби жамоаси «Ипак йўлидаги муҳаббат», Фарғонанинг 10-мактаби «Аҳмад ал-Фарғоний водийсида» ва Урганч шаҳрининг 2-академик лицейи ўқувчилари Генрих Фоннинг «Синган кўза» пиесалари билан иштирок этишади. Фестивалнинг иккинчи кунини Ўзбекистон Жаҳон тиллари университети талабалари Бертольд Брехтнинг «Учпулли опера» мусиқали постановкаси ҳамда Фарғона давлат университети Готфрид Келлернинг «Инсон кийим билан гўзал» пиесаси билан қатнашади. Спектакллар немис тилида намоиш этилади.

«Туркистон-пресс»

МАДАНИЙ ҲАЁТ

бадий жамоалари иштирокидаги катта концерт дастури тадбирга ўзгача фойз бағишлади.

Пойтахтимизнинг Миллий санъат марказида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» томонидан рассомлар ассоциацияси, санъатшунослар ҳамда «IJO» халқ усталарининг «Bazar-Art» кўргазма-ярмаркаси ўтказилмоқда. Ушбу кўргазмада Ўзбекистоннинг турли ҳудудларидан бир юз элликдан ортиқ амалий санъат усталари иштирок этади.

Кўргазмага келганлар сўзанадлар, чинни, сополдан ишланган эсдалик совғалари, бежирим, замонавий ва аъёнавий дизайнда ишланган заргарлик буюмлари, қизлар учун шойи бўйинбоғлар, костюмлар, ўзбек миллий нақшлари туширилган матолардан сумкалар ва ҳоказоларни харид қилишлари мумкин.

Ярмарка давомида иштирокчилар, мутахассислар ва аъёнавий санъатимиз шайдолари жойлардаги турли ижодий мактаблар санъатини намоиш этувчи хунармандлар томонидан ўтказилаётган маҳорат дарсларида қатнашадилар.

Гўзал РАҲМОНОВА

НИЯТЛАР ХОЛИС, МАҚСАДЛАР МУШТАРАК

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталиги кейинги пайтда республикамизда таржима амалиёти ва таржимашунослик илмининг долзарб муаммоларига бағишланган бир қатор мақолаларни чоп этди. Адабиётшунос олимлар Зухриддин Исомиддинов («Каминанинг номили...», 2012, 29 июн) ва Адхамбек Алимбековнинг («...Ўзимиздан қачон чиқади?», 2012, 6 июл) чиқишлари ҳамда ёш таржимашунос Гулноза Одилованинг («Ёшларини «бола» десак...», 2012, 5 октябрь) уларга билдирган муносабати кўпчиликда қизиқиш уйғотиш билан бирга, таржима амалиёти ва унинг ташкилий, назарий муаммоларини ўртага қўйди.

Менингча, ҳар учала муаллифнинг ҳам ниятлари холис, мақсадлари муштарак, яъни республикамизда ёш малакали таржимонларни тайёрлаш, мазкур соҳани янада такомиллаштиришдан иборат. Мақолаларда муаллифлар муаммолар ечимини топишга ҳаракат қилиб, бу борада ўз фикр-мулоҳазаларини билдирганлар.

Мустақиллик йилларида таржима амалиёти ва таржимашунослик илмида муайян ютуқлар қўлга киритилгани аён. Мазкур соҳага давлатимиз раҳбари томонидан қаратилаётган эътибор унинг ривожига етакчи омил бўлаётгани сир эмас. Юртбошимизнинг: «... эндиликда адабиётимизнинг энг етуқ асарларини бевосита она тилимиздан гарб ва шарқ тилларига таржима қилишга қаратилган ишларни кучайтиришимиз зарур. Бунинг учун хорижий тилларни, адабиёт ва бадий таржима санъатининг назарий ва амалий жиҳатларини ҳар то-

монлама пухта эгаллаган мутахассисларни тайёрлаш имкониятлари бизда мавжуд», деган сўзлари ижоднинг бу жабҳасида замон талабига айланди, ижод аҳли олдида юксак вазифаларни қўйди. Назаримда, юқоридаги мақолаларнинг ёзилиши замирида ҳам айтиш мумкин.

Биринчи мақола муаллифи Зухриддин Исомиддинов таржимашунослик илми соҳасида ўтган асрнинг 80-йилларидан буён қалам тебратиб келаятган зукко олимларимиздан. У ўз мақолаларида ҳаммаша фикр теранлиги, масаланинг ойдинлиги ва ҳақиқатга яқин бўлишига интилади. Газетада эълон қилинган «Каминанинг номили...» мақоласи ҳам мазмунан долзарб, кўнчаллик руҳида ёзилган. Шу боис, унда мунозарали мулоҳазаларнинг борлиги табиий ҳолдир. Олим: «...бадий таржима тўлиғича бадий ижод, ҳеч қандай фикр-...

да тўла ҳақ. Айни пайтда у: «таржимонлик ўта миллий ва ... саргарошликка қараганда минг чандон теранроқ нарсас», деб ёзганда таржима асарларнинг бадий савияси, сифатининг талаб даражасида бўлиши бу соҳада жуда катта масъулият талаб қилишини кўйиб таъкидлаган.

Тўғри, адабиётшунос Адхамбек Алимбеков мақола-сида ҳам қайд қилинганideк, мустақиллик йилларида бевосита таржима амалиётига эътибор ортди. Бу даврда Пошали Усмон, Мирзаали Акбаров, Янглиш Эгамова, Шоазим Миноваров, Бегийим Холбекова, Динора Султонова, Абдимурод Кўчибоев, Алишер Отабоев каби ўнлаб аслият тилини билувчи таржимонлар иши юзага чиқди. Уларнинг бевосита инглиз, немис ва француз тилларидан қилаётган таржималари ўзбек китобхонага манзур бўлмоқда. Улар «таржимондан аслият тилини яхши билиш, ўз она тилини эса унданда мукамал билиш талаб этилади», деган ақидага амал қилдилар. Бундан хулоса шуки, таржима қилинаётган тил таржимоннинг она тили бўлмоғи шарт. Таржимон ҳам ижодкор, таржима жараёнида, аввало, у ҳам ёзувчи каби она тилида фикр-рлайди, таржимасига она тилида сайқал беради.

Давоми учинчи саҳифада.

ТЕРМИЗЛИК
МУСАВВИР ВА ШОИР



2013 йил Ўзбекистон Республикаси вақтли матбуот нашрларига обуна бўлинг. Обуна КАТАЛОГИНИНГ электрон кўриниши www.akmt.uz сайтида. *ОБУНАГА КУМАКЧИ-МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ*

тел: 233-67-98
E-mail: info@akmt.uz

ИНСОН ЭРКИ — ДАХЛСИЗ

Бошланиши биринчи саҳифада.

Президентимиз ташаббуси билан 1999 йили Тошкент ислом университети очилди. Бугунги кунда Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти ва ўнга яқин ўрта махсус ислом билим юрталари фаолият олиб бормоқда. Уларда ёшларимизга замон талаблари ва миллий қадриятларга асосланган ҳолда диний ва дунёвий билим берилмоқда. 2008 йил 23 майда Самарқанд вилоятида Имом Бухорий халқаро маркази ташкил этилган, юртимиздан етиштиб чиққан исломшунос алломалар ҳаёти ва ижодини кенг миқёсда ўрганиш учун зарур шароит яратилди. Мазкур марказ фаолиятида диний ходимларнинг билими, тажрибаси ва касбий маҳоратини ошириб бориш муҳим ўрин тутди. Хозиргача мингдан зиёд имом-хатибларимиз ушбу марказда малакаларини оширдилар.

Мустабид тузум даврида қанчадан-қанча уламо-лар қатагон қалиниб, кўплаб масжид ва мадрасаларнинг эшикларига қулф осилганига қарамай, ислом дини халқимиз қалбида абадий сақланиб қолди. Шўрлар мафкураси қабих мақсадларига эриша олмади. Мустақилликдан олдин бор-йўғи саксондан зиёд масжид фаолият кўрсатган бўлса, шўрлар бўлиниб, мустақиллик йилларида масжидларимиз сони икки мингтадан ошди. Ҳар бир вилоятда мадрасалар очилди. Илгари юртимиздан му-борак Ҳаж сафарига ҳар йили икки-уч кишигина борган бўлса, бугунга келиб минглаб фуқаролари-миз умра ва ҳаж ибодатини амалга ошириш бахти-га муассар бўлмоқда.

Ислом динига риоя этиб яшаган инсон мансаб, моддий манфаатни кўзлаб эмас, балки Аллоҳнинг розилиги йўлида жамият бахт-саодати учун сидқидилдан меҳнат қилмоғи лозим. Асосий Қонунимизнинг энг муҳим бандларига ҳам яратган томонидан берилган улугъ неъмат — инсоннинг ҳаёти ва ҳуқуқлари муфассал қамраб олинган, фуқаролар манфаати қонуний равишда мустақамланган ва қатъий кафолатланган.

Хожа Ахрор Валий таваллудининг 600 йиллигини нишонлаш, Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси марказини ташкил этиш, Шоҳи Зинда ёдгорлик мажмуасида қайта тиклаш ва ободонлаштириш ишларини ташкил этиш, Ҳазрати Имом (Хастимом) жамоатчилиги жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги қарорларнинг қабул қилиниши буюк алло-маларимиз меросини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш, уларнинг эзгулик ва маънавий қимматли-ка чорловчи ғояларини юртдошларимиз, айниқса, ёш

авлод қалби ва онгига синдириш борасидаги ишларни янада такомиллаштиришга замин яратди. Айни чоғда жойларда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозими жорий этилганини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Шу муносабат билан амалга оширилаётган тадбирлар аёлларнинг оғирини енгил қилиш, ҳуқуқларини ҳимоялаш, маънавий савиясини ошириш, мамлакат сиёсий, ижтимоий ва маданий ҳаётидаги иштирокини таъминлаш, айниқса, дин билан ниқобланган ёвуз ниятли экстремистик кайфиятдаги қимсалар таъсиридан ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг "Дин соҳасидаги маънавий-маърифий, таълим ишларини ва фаолиятини янада такомиллаштиришда ижтимоий кўмак ва имтиёзлар бериш тўғрисида"ги Қарори эса айни кўнглимиздаги муддао бўлди. Мазкур қарор билан диний билим юрталарини битирувчиларга бериладиган дипломлар давлат таълим ҳужжати сифатида эътироф этила бошлади. Юртимиз мўмин-мусулмонлари манфаатини кўзлаб амалга оширилаётган тадбирлар ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини халқимизга етказиш, айниқса, ёшларни диний ақидаларасилик ва экстремизм хатаридан асраш йўлидаги саъй-ҳаракатларда фалоллиқни кучайтириш имконини бермоқда.

Ислом — тинчлик динидир. Бу динда Ватанга, эл-юртга садоқат тушунчаси улуғланади. Қуръони каримда: "... Эзгулик ва тақво(йўли)да ҳамкорлик қилинган, гуноҳ ва адоват(йўли)да ҳамкорлик қилмангиз!", дейилиши бежиз эмас. Тинчлик ҳудонинг улугъ неъматидир бўлиб, бутун дунёда тинчликни сақлаш ҳар бир кишининг олий даражадаги вазифаси бўлмоғи керак. Ислом дини тинчлик тушунчасини ўзининг бош ғояси ва муҳим шиорига айлантиргани моҳияти ҳам ана шундадир. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳазратлари тинчлик ва хотиржамликни икки улугъ неъмат, дея таъкидлаганлар. Бугун Ўзбекистонда турли миллат ва конфессия вакиллари ўртасида тенглик ўрнатилгани, Конституцияимизнинг 18-моддасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эгалиги, улар жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий маъқеидан қатъи назар қонун олдида тенглиги белгилаб қўйилгани ҳам юртимиздаги тинчлик ва осойишталикнинг кафолатидир.

Ҳожи Абдураззоқ ЮНУСОВ

Эрталаб уйдан чиқаётиб, пастдан қаттиқ-қуруқ товушларни эшитдим. Биринчи қаватда эшикларни рўпарама-рўпара бўлган икки қўшнинг йўлакни супурмаганликда бир-бирини айбала-шарди. Зинапоёда тўхтаб қолдим. Уйга қайтиб қирай десам ишга кечикаман. Пастга тушай десам, икковиям мени тўхта-тиб "дарди"ни тўкиб солишди (илгари бундай ҳолатлар кўп бўлган). Бошим қотди. Жанжал анчага чўзилди, иккови уй-уйига кириб кетишгандан сўнг шошиб йўлга тушдим. Шу кунин ишим ҳам унмади, эрталабки дилхиралик руҳиятимга салбий таъсир қўрсатган эди.

"Жанжаллардан четга қоч, яхшилар-га эргашиб, ёмонлардан узоқ юр. Ҳалол ризқ топсанг соғлом бўласан, қаноат қилсанг хотиржам яшайсан. Ўзгаларга бахт тиласанг ўзинга ҳам қайтади. Ҳар нарсада меъёрни сақ-ла, парҳезкор бўл", дейилган Тибет донишмандларининг ўғитларида. Ўқиганларим болаликда Зулфизар момом айтган ҳикматларни ёдга со-лади. "Ўзинга шукр", деган сўзни шеър қилиб ёдлаб олган момо ҳовли-сида ўрмақда гилам тўқиган кезлари томоша қилгани борардик. Қўли иш-дан, оғзи гапдан бўшамасди, мақол-маталларга уста эди. Бизга: "Асло уришманглар, қаноатли бўлинглар, одамлар бир-бирига яхшилик қилиши, тўғри яшаб ҳалол пул топиши керак, бу муқаддас китобда ҳам ёзилган", дер эдилар.

ли унинг қисқариш мароми бузила-ди, қон ҳамда танадаги бир қанча суюқликлар таркиби ўзгаради, оқибат-да иммунитет (касаликларга қарши-лик кучи) сусаяди. Шундай кезде одамга бирорта хасталик "хужум" қилиши осонлашади.

Ривоятларга кўра, бурунги замон-да аёлини ҳар қадамда айблаб, тин-май ҳақоратлайверадиган бир киши бўлган. "Бу одамнинг оғзидан чиқ-қан сўзга илон ҳам пўст ташлайди, тоқайгача унинг сўкишларини эши-тиб яшайсан", дейишдиби ақилла-ри аёлга. Лекин тошдан садо чиқса чиқаркан-у, аёл индамай яшайверар-кан. Йиллар ўтиб эркак даргда ча-линибди, меҳр билан парваришлан-ган аёлга шундай дебди:

— Бир умр сўкишу ҳақоратларим-дан бўлак ҳеч сўз эшитмадинг, қан-

ЯХШИ СЎЗНИНГ ҚУДРАТИ

Балки эшитгандирсиз, япониялик тадқиқотчи Масару Эмото махсус тажриба ўтказиб, сўвнинг ҳам хо-тираси борлигини исботлади.

Унинг аниқлашча, сув "кўради, эшитади ва таъсирланади". Демак, биз ичадиган сув тирик биологик мавжудот экан! Япон олимни икки стаканга тоза сув солиди, сўнг идишларнинг бирига қараб жажл чиққанда тилга олинмадиган сўзларни айтиди, яна бирига меҳр билан тикилиб яхши гапларни пичирлай-ди. Кейин электрон микроскоп ёрда-мида сув кристалларини суратга олади. Яхши сўзни "эшитган" идишдаги сув худди нилуфар гули каби "биройли" шаклда кристаллаш-ган, ёмон сўздан "таъсирланган" идишдаги сув кристаллари эса ак-синча, булутдек кўнғир тусли, кўпроқ лой парчасига ўхшаш. Қаранг-а, оддий сўвимиз айтилган яхши-ёмон сўзни ўз хотирасига жойларкан! Инсон танасининг ет-миш фоизи сувдан иборат эканини ҳам ҳисобга олсак, унинг қалбида бу жараён қандай кечиси бизга қун-дай равшан бўлади.

Анча йиллар олдин маҳаллардан бирида ёш эр-хотиннинг қўйди-чиқ-дисига гувоҳ бўлиб қолдим. Уларнинг ҳар иккиси маҳалла фаоллари олди-да бир-бирини шунчалик қаттиқ ҳақоратлашдики, "Энди булар умр-бод бир-бировнинг юзига қарама-са керак", деб ўйлагандим. Орадан бирор ой ўтиб яна шу маҳаллага йўлим тушди, ҳалиги келин-куёвни суриштирдим, "ярашиб кетишди" дейишди. "Хайрият" дея кўнглим ёришди, лекин ўшандаги жанжал пайтида мен эшитган сўзлар бирор қулоқларимни ёндириб ўтди.

Кўпчилик оилавий можароларда эркак ва аёлининг ғазаву нафрати ку-чайиб, тилларига эрк беришади, бир-бирининг қалбларини аямой жараҳла-шади. Жаҳл келганда ўзини боса олган киши энг қучлидир, дейилади ҳадисларда. Кейинчалик ҳар эсланган-да уялиб юрмаслик учун ҳаёлимиздан ўтган ёмон фикрни овоз чиқариб ай-тишдан сақланганимиз керакмикин, деб ўйлаб қоламан. Негаки, бу нарс-а фақат айни вақтдаги қайфиятимизга таъсир этиб қолмай, балки соғлиғи-мизни ҳам издан чиқаради. Шифокор олимларнинг таъкидлашича, юрағи-миз хафагарчиликларга энг сезгир аъзо бўлиб, салбий таъсирлар туфай-

дай қилиб мендек одамга чидаб юрибсан-а?

— Қиёматда сабрлилар қаторида бўлмоқчиман, — дебди аёл.

— Соғайиб оёққа турганимдан сўнг сендек аёлим борлигига доим шукро-на келтираман ва бу билан қиёматда шукрлилар қаторида бўлурман.

Аёл бунга жавобан шундай дебди:

— Танграм шукрли бандаларига раҳмат назари билан қарайди, лекин сабрлиларини беҳад севди!

Ривоят замиридаги ҳикмат шунда-ки, сабрнинг адоғи — қувонч, лекин сабр учун ўзида куч топа олган ин-сонга ҳар қанча таҳсин ҳам озлик қилади!

Айтишларича, чет эллик олимлар баъзан оддий йўловчиларнинг ўзаро сўхбатларига қулоқ тутишаркан. Ҳўш, ким нимани гапирарди? Қундалик сарф-харажатлар ва бозордаги нарх-наво ҳақида шунчаки сўзлаша-ётганлар кўпми ёки илм-фан ва ке-лажақдаги ўзгаришлар ҳусусида ку-юниб гаплашаётганлар кўпроқми — шу ҳақда билишни исташаркан.

Уларнинг назарида ўзаро мулоқот-лар кишиларнинг қайфияти, орзу-умиди ва эртанги кунга ишончидан дарак беради.

Ривоятда келтирилишича, чўли биёбонда ёш жазирасида халло-слаганча бир йигит кетиб борар эди. Орқасига осилган кўзадаги суви-га онда-сонда қўл теккизиб қўяр, сўнг яна илгари одимларди. Кўда парвоз қилиб юрган бургут бу одам-ни кузатибди. Сўнг: "Эй, инсон бо-ласи, кўзачангдаги суви инсанг-чи, акс ҳолда нобуд бўласан", дебди. Шунда йигит: "Сувим борлигини биламан, лекин уни ҳозир ичсам манзилга етиб боролмайман, чунки шу сув мен учун умид ва куч-қувват", деб жавоб қайтарди.

Орзу қилиб, умид билан яшаш ва ўз кучига ишончи инсонни олдинга етакловчи куч эканини биламиз. Шу учаласи ҳаётимизнинг мазмунини ҳам белгилайди. Кўзлари оғиз бўлса-да инглиз шоири Ж.Милтон бу ҳақиқатни уч юз йил аввал кўра олган ва "Инсон тафаккури қалби-дадир, унинг ўзи жаннатни дўзах-га, дўзахни жаннатга айлантира олади", деган экан. Эшитиш, кўриш ва гапириш қобилиятлари бўлмаган америкалик машҳур адиб Элен Клер эса: "Ҳаётим нақадар ажой-иб ўтапти", деб тинмай таъкидла-

Алаб, олоб ва одам

ган. Ҳар қандай оғир даврда ҳам орзу қилишдан тўхтамаган, умид-сизликка берилмасдан манзил то-мон дадил бораверган халқнинг фарзандларимиз. Томирларимизда жўш ураётган барча инсоний фази-латлар бизга аждоғларимиздан ме-росдир. Ҳаётсеварлигимиз ҳам ас-лида шундан. Ўйлаб кўрсак, ҳаёти-миз аслида у ҳақда нимани ўйлаёт-ганимизнинг ўзгинаси экан. Агар биз бахт ҳақида ҳаёл сурсак, ўзи-мизни бахтли ҳис этамиз. Ўйлари-миз ғамгин бўлса, тушкунлик гирдо-бида қоламиз. Нуқул касаликлар ҳақида ўйлайверсак чиндан ҳам дар-да чалинамиз. Демакки, салбий фикрларимиз моддийлашиб бизни ёмонликка бошламаслиги учун ҳушёр бўлганимиз маъқул. Айтила-жақ ҳар бир сўз олдидаги масъули-ятни унутмаслигимиз жоиз.

Сўзнинг қудратини қаранг! Жон олгучи ҳам сўз, жон бергучи ҳам сўз. Жонбахш сўзимиз билан дунёни безатиб яшасак қани эди? Кишлоғи-миз донишманди Зулфизар момом эса: "Жонни сақлаш деб молини қурбон қилдилар, аслида бировга ай-тилган яхши сўз ҳам садақа ўрнига ўтади", дер эдилар. Дунёни суяб тур-гучи бизнинг яхши сўзимиздир, де-моқчи бўлади момом.

Бир маҳалладан чиқаривришдаги кўча дарвозаси тепасига катта ҳарф-лар билан "Оқ йўл, сизни оилангиз кутади", деб ёзилган. Эрталаб йўлга отланган киши шу ёзувга, албатта, қўзи тушади. У қай ёшда бўлмасин, ёзувни ўқигач оиласига меҳри яна-да улғаяди, шу лаҳзадаёқ ақиллари ҳаётига масъул эканини яна бир кар-ра фаҳмлайди. Оиласидигилар қувон-чи учун ўзини янада кўпроқ асраши лозимлигини тушунади.

Ўйлаб қоламан. Яшашдан асл мақ-сад ўзгалар юкни елкалашиб, ён-атрофдагиларнинг бахтли бўлиши-га кўмаклашиб экан, бунинг учун нечун сўз кучидан фойдаланмаймиз? Ахир, биз юзлаб-минглаб юраклар-га сўз билан кириб борамиз, улар-ни уйғоқ сўзимиз билан забт эти-шимиз мумкин-ку.

Албатта, ҳою ҳаваслар рўёбини бахт-деб биладиган аёл илму иҳод бахслари қайнаган давраларга сиг-майди. Бордию у икки-уч бора шу давралар сўхбатини охиригача жимгина тинглаб ўтирса, шубҳасиз, дунёқараш ўзгаради. Рўзгоридан-ги камчиликларни гапириб адо қилолмайдиган ёхуд дуч келганга дардини айтиб кўз ёш тўкаверадиган аёлга: "Баъзи бировлар қайғу-си олдида сеники ҳеч гапмас, ҳадед обидийда қилавермай яхши қуналар ҳақида ўйла", десак қифоя, аёл ўша вақтнинг ўзида бўлмаса ҳам уйига боргақ бу гапнинг мағ-зини қақади. Гоҳо иши юришмай аламини ичкиликдан оладиган одамга кимдир: "Қўлингизда шай-тон сувини тўкиб ташла, ўзингни фалокатдан қутқар" деса, ҳарҳолда у кейинги сафар ичаётганида би-роз мулоҳаза қилади, ёмон одати-ни ташлашга мумкин.

Хулоса ўрнида айтганда, ҳар бири-миз ҳам ён-атрофимиздагиларнинг ҳаётини ўзгартиришга қодирмиз. Чунки биз айтажак сўз улкан қувват манбаи, қучли қудратга эга. Оламга гўзалликлар тиласак, у янада чирой-ли бўла боради.

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА

ИЖОДИЙ УЧРАШУВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Консти-туциясининг 20 йиллиги муносабати билан юртимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида маданий-маърифий тадбирлар бўлиб ўтмоқда.

Ёзувчилар уюшмаси Сурхондарё вилоят бўлими ва "Сариосиё" газе-таси ҳамкорлигида ташкил этилган тад-бирда Асосий Қонунимизда кафолат-ланган ҳуқуқ ва эркинликлар ҳақида сўз борди. Ўзбекистон халқ шоири Сиро-жиддин Саййид, ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммад, адабиётшунос олим Адхамбек Алимбеков маънаватимиз-да амалга оширилаётган тўб ислохот-ларнинг мазмун-моҳияти ҳақида фикр юритдилар. Мамлакатимиздаги бар-ча газета-журналлар мустақиллик ша-рофати билан ўзига хос янги даврни бошлагани, ҳаётимиздаги демократик жараёнлар адабиётимизга, матбуоти-мизга кўчаётганлиги таъкидланди. Шо-ирлар Ахтамкул Карим, Мусаллам Ума-рова ҳамда воҳалик ижодкорлар ўзла-рининг янги шеърларидан ўқиб бер-дилар.

Холида МУҲАММАДИЕВА

"ГУЛИСТОН"

2012 йил, 5-сон

"Эҳтиром" руқни остида берилган сўхбатда Ўзбекистон Қадрамони, Тош-кент врачлар малякисини ошириш институтининг офтальмология кафе-драси профессори Холридзон Комилов тиббиётдаги мазкур соҳанинг ўзига хос жиҳатлари, мустақиллик йиллари-да мамлакатимизда офтальмология бўйича эришилган улкан ютуқлар ҳақида сўз юритган.

Таниқли адабиётшунос олим ва таржимон Иброҳим Гафуров "Алда-майдиган сўз ва алдамайдиган тугу қидириб" номли янги мансуралари туркумини тақдим этган. Бадий сўз илосмандлари, шунингдек, ушбу сон-да Бахтиёр Нуриддиновнинг "Мусав-

вир", Неъмат Рафиков

нинг "Уста аканинг" "Ёшлар иҳод саройи"да "Фонд форум" ташаббуси билан ўтказилган "Навқирон Ўзбекистон" ёшлар ижодий кўргазмасидан лавҳалар, ак-тёр Беҳзод Муҳаммадқари-мов билан сўхбат, Ўзбеки-стон Республикасининг фут-бол бўйича Ўсмирлар терма жамоаси Осиё чемпионлиги-ни қўлга киритгани тасвирланган фото-репортаж, "Олтин гепард" хал-

Журналларни варақлаганам

қаро кинофоруми ҳақида мақола — маданият, санъат, спорт соҳаларида-ги улкан ютуқлар, йирик анжуманлар журнал саҳифаларида ўз акси ва та-лқинини топган.

С.Жонтоевнинг "Франсуз-ларнинг совғаси", Ш.Субхон-нинг "Шуберт", Лайло тайёр-лаган "Арнольфинининг хона-ди" сингари мақолаларда фарблик машҳур меъмор, бастакор ва мусавирлар ҳақида ҳикоя қилинган. Ис-пан рассоми Рикардо Санз ҳақидаги маълумотлар ва унинг ижод намуналаридан нусхалар билан ҳам журналнинг маз-кур сонидан танишасиз.

"ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ"

2012 йил, 4-сон

Журналнинг шу йилги охириги сони "Мустақил, суверен ва демократик Ўзбекистоннинг Асосий Қону-ни" деб номланган бош мақола билан очилади. "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллиги" руқни остида муштарийлар Олий суд раиси Бўритош Мустафоевнинг "Инсон ҳуқуқ ва манфаатла-ри — олий қадрият", профессор Акмал Саидовнинг "Конституция — давлат сиёсий ва ҳуқуқий ҳаётининг кўзгуси", Жаҳон тиллари университети катта ўқитувчиси Илёс Қувон-диннинг "Конституция — ҳуқуқий маданияти-миз манбаи", шунингдек, Неъмат Хаттабов, Шухрат Рўзиназаровнинг шу мавзудаги ма-қолалари билан танишишлари мумкин.

Жамшидхон Шаропов, Гулнора Йўлчиеванинг "Мустаҳкам оила йили" муносабати билан эълон



Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари

Огоҳлик

ёшларни таҳлил қилсак, аксарият ҳолларда бундай офатлар бепарво-лик оқибатида юзага келаёт-ганига ишонч ҳосил қиламиз. Кўпична фуқаролар ўйлариданга электр тизимларини ўз билгаларига таъмир қилмоқчи бўлишади. Баъзи уй бекаларимиз эса, овқатни ёниб турган газ плиталарида қолдири-шади. Бундай ҳолатлар ёнгина сабаб бўлаётга-ни сир эмас.

Биз — ёшлар ҳавфсизлиги ҳодимлари маҳал-ла фаоллари, хонадон эгалари, фарзандларимиз ва барчани бу борада огоҳликка қақирамиз.

Баҳодир ҲИМАТОВ, Тошкент шаҳар ёшлар ҳавфсизлиги хизмати 12-ҳарбийлаштирилган отряди катта инспектори

ЁНГИНДАН САҚЛАНИНГ!

Ёнгин ҳавфсизлиги ҳодимлари томонидан ма-ҳалларда, корхона ва таълим масканларида ҳавфсизлик қоидаларини тушунтиришга доир учрашувлар ўтказилмоқда. Албат-та, бу тилсиз ёв билан курашиш фақат ёнгин ҳавфсизлиги ҳодимларининг иши эмас, ҳар бир фуқаронинг ҳам бурчидир. "Ўз уй-ингни ўзинг асра", деган шior ҳар бир оила, корхона, муассасасига тааллуқлидир.

Ҳар доим эҳтиёткорлик чораларини кўриш, электр ва газ асбобларини доимо соз ҳолда иш-латиш ва қўлбола электр ва газ асбобларидан фой-даланмаслик зарур. Агар ёнгин ҳавфсизлиги қоидаларига риоя этсак, олов бизга дўст сифати-да хизмат қилади. Акс ҳолда, бир неча сонияда мол-мулкнингиздан, ҳатто яқин кишиларнингиздан айришиш мумкин.

Кундалик турмушимизда содир бўлаётган

ёшларни таҳлил қилсак, аксарият ҳолларда бундай офатлар бепарво-лик оқибатида юзага келаёт-ганига ишонч ҳосил қиламиз. Кўпична фуқаролар ўйлариданга электр тизимларини ўз билгаларига таъмир қилмоқчи бўлишади. Баъзи уй бекаларимиз эса, овқатни ёниб турган газ плиталарида қолдири-шади. Бундай ҳолатлар ёнгина сабаб бўлаётга-ни сир эмас.

Биз — ёшлар ҳавфсизлиги ҳодимлари маҳал-ла фаоллари, хонадон эгалари, фарзандларимиз ва барчани бу борада огоҳликка қақирамиз.

Баҳодир ҲИМАТОВ, Тошкент шаҳар ёшлар ҳавфсизлиги хизмати 12-ҳарбийлаштирилган отряди катта инспектори



Халқимиз оловни бежиз тилсиз ёвга ўхшатмайди. Ҳар бир фуқаро хоҳ уйда, хоҳ иш жойида бўлсин, ёнгин ҳавфсиз-лиги қоидаларига риоя қилиши, агар би-рон сабабга кўра олов чиқса, уни ала-нга олмасидан олдин қандай бартараф этишни билиши лозим. Маълумотлар-нинг қисқа тушушуви натижасида рўй беради. Дазмол, чангютгич, музлатгич, электрчойнак каби молсамалардан нотўғри фойдаланиш ҳам ёнгина сабаб бўлиши мумкин. Демак, на-фақат хонадонларда, балки ташкилот, корхона ва муассасаларда ҳам ёнгина қарши чо-ралар кўриш, хизматчи-ҳодимлар орасида бу борада тушунтириш ишларини олиб бориш тақозо этилади.

Бугунги кунда уч йўналиш бўйича ҳарака-танаётган Тошкент метрополитени 29 бекат ва 36,2 км. масофани ўз ичига олган. Ҳақли равишда ерости қононасига қийсланадиган

ушбу иншоотда ёнгин ҳавфсизлигини таъмин-лаш муҳим масалалардан бири бўлгани учун у энг замонавий ёнгин ўчириш воситалари эга. Ҳар кун поезд вагонлари техник ва ёнгин ҳавфсизлиги бўйича қўриқдан ўтказилади. Табиийки, метрополитенда бирон носозлик ёки ёнгин ҳавфи пайдо бўлганда дастлабки ёрдани бериш метро хизматчиларининг ва-зифаси ҳисобланади. Бундай кўнгилсизликлар рўй бермаслиги учун ёнгин ҳавфсизлиги хиз-мати ҳодимлари томонидан метрополитен-нинг турли бекат ва объектларида ишловчи ишчи-хизматчилар билан сўхбатлар ўтказиш мунтазам йўлга қўйилган. Бундан ташқари, бекатларда ёнгин ҳавфсизлигига оид тезкор тек-ширувлар, режа асосида тузилган тунги ама-лий тактик машғулотлар олиб борилмоқда.

Шаҳноза МАҲАМАТЖОНОВА, Тошкент метрополитенининг ёнгин ҳавфсизлиги бўйича инспектори

Бошланиши биринчи саҳифада.

Айни шу маънода, ўзбек адабиётидан хорижий шарқ ва ғарб тилларига бевосита ўгирадиган малакали таржимонларни тайёрлаш масаласи бирмунча жиддий бўлиб, бу борада юқорида тилга олинган мақолаларда билдирилган фикрларга ҳолисона баҳо бермоқ лозим.

Дарҳақиқат, Юрбошимизнинг: "Узоқ йиллар давомида ўзбек адабиётини тўғридан-тўғри она тилимиздан таржима қилиб келган чет эллик таржимонлар билан бирга, мамлакатимиз олий ўқув юртиларида таълим олаётган истеъдодли ўғил-қизларимизни мана шу машаққатли, айни пайтда олижаноб ишга жалб этиш, бу масаланинг ечимли билан бевосита боғлиқ бўлган ташкилий-амалий вазифаларни ҳал қилишимиз мақсадга мувофиқ бўлур эди", деган фикри айни мудоаа бўлиб, бу соҳада асосий дастуруламал вазифасини ўтади, десак адашмаган бўламиз.

Адабиётшунос Адҳамбек Алимбеков ёзади: "Навоий асарларининг (ғазаллар — М.Х.) француз тилига ўзбек таржимони М.Низожининг томонидан қилинган таржималарининг ўзга миллат вакиллари таржималаридан кам жойи йўқ". Бунинг боиси, бизнингча, Навоий ғазалларини француз тили ўқитувчиси ва гид-таржимон Муродхон Эргашев француз сайёҳи, Буюк ипак йўли тадқиқотчиси жаноб Жан-Жак Гатве билан ҳамкорликда таржима қилганидандир (қаранг: Alisher Navoiy. Gazels. Traduction et adaptation Mouroudkhon Ergashev — Jean-Jacques Gaty. Illustrations Jahongir Ashurov. — Brest: Gyorama, 2007). Ваҳоланки, Алишер Навоий шеърятининг француз тилига бевосита таржима амалиёти ўтган асрнинг охирида бошланган эди. Ёдимда, ўшанда таниқли француз шоир ва ноширлари Анри Делюи ва Жан-Пьер Балп француз тилида ўзбек мумтоз шеърятни антологиясини яратиш мақсадида юртимизга бир неча бор ташриф буюришганди. Бу хайрли иш самараси ўлароқ, 1990 йил француз тилида ўзбек мумтоз шеърятни антологияси "Ўзбек ғазаллари" (Ghazals ouzbeks. — Paris: Action poétique, 1990) номи билан чоп қилинди. Орадан бир йил ўтиб, Навоий ҳазратларининг 550 йиллик юбилейига тўғна сифатида "Алишер Навоий. Ғазаллар ва бошқа шеърлар" (Alisher Navoiy. Ghazal et autres poemes. Traduit du turc et presenté par Hamid Ismanlov et Jean-Pierre Balpe. — Paris: La Différance, 1991) номли алоҳида китоб нашр этилди. Ушбу нашрга Франция матбуотида ижобий тақризлар ҳам бошланган.

Хулоса шунки, ҳазрат Навоий ғазалларининг француз тилига таржималари бевосита ўзбек ва француз ижодкорлари томонидан ҳамкорликда баҳарилгани учун ҳам муваффақиятли чиққан. Шундай бўлса-да, бу таржималарни ҳам мукаммал, аслиятга тўла муқобил, деб айтолмаймиз. Чунончи, Абдимурод Кўчибоевнинг "Ҳазрат Навоий ғазаллари француз тилида" ("Жаҳон адабиёти", 2010, 2-сон) мақоласида таъкидлаганидек, "француз китобхони аслият даражасида гўзал ва нафис тилда бўлмаса-да, ҳазрат Навоий ғазалларини ўз она тилида ўқишга, ундан маълум даражада эстетик ва бадиий завқ олишга эришади".

Ўзбек адабиёти намуналарини ўзимиз ҳам хорижий тилларга таржима қилсак бўлади, деган тезисни маъқуллаган ёш таржимашунос Гулноза Одилова мақоласида ушбу фикрга шундай дилл келтирган: "Таржимон Динора Султонованинг ўзбек адабиётидан инглиз тилига қилган таржималари Американинг www.poetry.com сайтида рейтингнинг энг юқори ўринларини анча вақт қўлдан бермай келганига гувоҳ бўлганман". Рус, ўзбек, тожик тилларини она тилидек билидиган, инглиз тилини кўнгил билан ўрганган Динора Султонова қирқ йилдан ошибдики, талабаларга инглиз тилидан сабоқ бериб келади. Бу мутахассис аудиторияда Алишер Навоий ва Заҳриддин Бобур, Эркин Воҳидов ва Абдулла Орипов шеърларини ёддан

ўзбек, рус ва инглиз тилларида тўхталмай ўқиб, таржималарини аслият билан қиёслаб таҳлил қилганига гувоҳ бўлганман. Назаримда, андижонлик шоира, таржимон Бегим Холбековада ҳам ана шунга интилиш бор. Шоиранинг сўнгги йилларда Роберт Бёрнс ("Ёр кўнглининг қиролиман", 2011) ижодидан ўзбек тилига ёхуд ўзбек шоирлари ижодидан инглиз тилига ("Қалбим сизга интилади", 2011) қилган таржималари ижобий баҳоланмоқда. Менимча, тўпламдаги ўзбек шоирлари ижодидан инглиз тилига қилинган таржималарнинг барчасини ҳам аслиятга муқобил, деб баҳолаб бўлмайди. Аксар таржималарда аслиятдаги ўзбекча ташбеҳлар, миллий руҳ ва оҳанг йўқолганига шохид бўламиз. Масалан, Ойбекнинг машҳур "Наъматам" шеърдаги биринчи бешлик таржимасига эътиборимизни қаратайлик.

Нафис чайқалади бир туп наъматам
Юксакда, шамолнинг беланчагида,
Кўшга кўтариб бир сават оқ гул,
Викор-ла ўшайган қора лабида,
Нафис чайқалади бир туп наъматам...

Таржимаси:
Dances gently a bush of rosehip
The wind sways it on the hill,
A basket of white flowers
Strive for the sun with great will.
Dances gently a bush of rosehip...

Аслида, шеърни бир тилдан бошқа бир тилга таржима қилиб бўлмайди, деган ҳикматда жон бор. Юқоридаги сатрларда келатган "нафис чайқалади", "шамолнинг беланчагида", "ўшай-

жима қилиш, дунёга тарқатиш билан шуғулланган. Бунга "Прогресс", "Радуга" нашриётларини, инглиз, немис, француз, испан ва ҳокказо тилларда чиққан журнални мисол тариқасида келтириш мумкин. Худди шундай, дунёнинг АҚШ, Англия, Франция, Олмония каби давлатларида ҳам ўз адабиёти ва хорижий адабиёт намуналарини таржима қилиб, тарғиб этувчи нашриёт ва журналлар мавжуд. Менинг билганим, Францияда "Галлимар" (Gallimard), "Ла Диффе-

Таржима — юксак санъат

ранс" (La Différance), "Аксон поэтик" (Action poétique) каби нашриёт ва журналлар шу йўналишда фаоллиқ кўрсатиб келади. Демак, бизда ҳам бу тажрибани сиёсат қўриш фойдадан холи бўлмайди. Ўйини инглиз, немис, француз, испан, хитой, япон, корейс тилларида "Ўзбек адабиёти" номли журнал ёки альманах нашр қилинса, яхши самара беради, деб ўйлайман. Ўшанда бир асарнинг бир-варакайига бир неча тилга ўгирилган таржима нусхаларини хорижий ўқувчиларимизга етказиш имкони туғиларди. Энг муҳими, бу нашр атрофига малакали ва ёш истеъдодли таржимонлар тўпланиб, ўзаро тажриба алмашиб фаолият юритишарди.

Дарвоқе, таржимон ва таржимашунослар минбари "Жаҳон адабиёти" журналининг кейинги сонлари мундарижаси янада янгиланиб бораётир. Журнал таржима асарлари билан бирга улар сифатида ҳолисона баҳо берилган мақола ва тақризларни ҳам ёритиб борса, маъқул бўларди. Таҳририят қошида малакали таржимон ва таржимашуносларнинг мунтазам фаолият юритишлари илмий-

амалий семинарини ташкил қилиш режаси ҳақида айтиш хурсанд бўлди. Журнал таҳририятда ҳар ойда бир марта таниқли таржимон ва таржимашунослар билан бирга ёш истеъдодли таржимонлар йиғилиб таржима амалиёти ва назарияси, эълон қилинаётган таржима асарлар сифати ҳамда таржима қилиниш режаштирилатган асарлар атрофида баҳс-мунозара юритсалар айни мудоаа бўларди.

Энди икки оғиз, З.Исомиддинов ва А.Алимбеков мақолаларида таъкидлаган, олий ўқув юртиларида хорижий тил ва адабиёт ҳамда таржима назарияси ва амалиёти фанларининг ўқитилиши борасида. Тўғриси, юқоридаги фанларнинг ўқитилишида олий ўқув юртилари учун амалдаги яхлит бир дастур ишлаб чиқилган. Масалан, Ўзбекистон жаҳон тиллари университети ва Шарқшунослик институти таржимонлик факультетларида таржима назарияси ва амалиёти фанига 500 соатлик ўқув юкламаси ажратилган бўлиб, 2,3,4-курсда тили ўрганилаётган мамлакат адабиёти, таржима назарияси ва амалиёти фанлари тўла ўқитилади. Аммо университетларнинг роман-герман тиллари факультетларида ҳақиқатан ҳам бу фанларнинг ўқитилишига ажратилган соатлар миқдори 100 соатга ҳам етмайди. Аслида, университетларнинг филология факультетларида ҳам "Лотин тили", "Антик адабиёт тарихи", "Жаҳон адабиёти", "Тили ўрганилаётган мамлакат адабиёти", "Таржима назарияси ва амалиёти" фанларига юқоридаги каби 500 соатлик юклама жорий этилса мақсадга мувофиқ бўларди.

Хулоса қилиб айтганим бўлсак, жонкуяр таржимашуносларимиз З.Исомиддинов, А.Алимбеков ва Г.Одилованинг таржима адабиётининг савиясини ошириш, таржима амалиётини юксак санъат даражасига кўтариш борасидаги фикрлари ҳар жиҳатдан эътиборга молик бўлиб, бу соҳада хали амалга оширилиши зарур бўлган ишларни янада жадаллаштиришга туртки беришига аминимиз.

Муҳаммаджон ХОЛБЕКОВ,
филология фанлари доктори, профессор

Ёқимли ҳазил

Ёхуд ёрқин тасвир жиплар

Таниқли болалар шоири Турсунбой Адашбоевнинг "Осмондаги дарвоза" сайланма китобига ("Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2012) унинг ярим асрлик ижодидан намуналар жамланган.

Болалар — шоирнинг лирик қаҳрамонлари ҳаётини ва ҳаққонийдир. Зеро, уларни яратган шоир реал ҳаётдаги болаларнинг табиати хулқ-атворини, маънавий қиёфасини — болаларнинг ўзигагина хос ва мос бўлган дунёсини билади ва маҳорат билан бадиий ифодалайди. Дарвоқе, шоир буни илк тўпламига ("Қамолнинг олмаси", 1964) кирган шеърларидаёқ кўрсата олган эди.

Насибанинг олмаси

Тушиб кетди ариқча.

Ўша китобдаги "Дўстлик" номли шеър ана шундай оддий воқеанинг табиий тасвири билан бошланади ва давом этади:

Тутқиқ бермай ўйнайди,

Ўтшаб олтин балиқча.

Бу сатрлар кўз олдингизда аниқ-ёрқин манзара ҳосил қилади: тасаввурингизда шўх оқаётган сув, унда "ўйнаб" думалаётган олма осон ва раво жонланади. Навбатдаги мисраларда воқеа шундай ниҳояланади:

Содиқжон кўриб қолиб,

Олмани ушлаб берди.

"Раҳмат" айтиб Насиба,

Ярмини тишлаб берди.

Саккиз сатрли шеърда дўстлик, ўзаро ёрдам, меҳр образли тасвирланган. Зеро, Содиқжон — содиқ дўстнинг ёрдамга қўл чўзгани, "олмани ушлаб бергани" болаларча меҳр, дўстона ёрдам. Айни пайтда Насибанинг "Раҳмат" айтиб, ўз насибаси — олмани "ярмисин тишлаб" бериши-чи? Бу болаларгагина хос табиий ҳолат, самимий эътироф, муносабат. Насибанинг бу ҳаракати ўқувчида ёқимли кулгу ҳам



уйғотади. Айни шу ҳолат тасвири шеърда жон-руҳ бағишлаб турибди.

Болага хос бегубор, енгил кулги-киноя шоир шеърларининг шавқ билан ўқилишини таъминлайдиган омиллардан бири. Масалан, "Бувимларга маза-да", дейди шу номли шеърнинг қаҳрамони Озода қулиб. Нега деб сўраса, шундай жавоб беради:

Уларни-чи, тиши йўқ,

Оғриқ билан ниш йўқ.

Ёмғир ёққанда бақалар нега сувга кириб кетади, деб сўраган Зайнуллога Обиджон устибоши ҳўл бўлмасин учун сувга шўнғиб кетади, деб жавоб қайтаради ("Усти ивиб қолади"). "Поезд нега пишиллаб нафас олар", деб сўраса, Ғани шундай дейди:

Пиш-пиш демаса борми,

Ёрилиб кетар қорни.

"Мерган" шеърига ҳам ҳаётини воқеа асос бўлган. Лирик қаҳрамон дўсти Мурод билан "Тир"га борганини қизиқарли хикоя қилади. "Авжи ўйин қизиги"да уларнинг пули тугаб қолади. Шундангина "Тир"га эмас, бошқа юмуш билан уйдан чиққанлари эсларига тушади:

Тугаб қолди

Тангамиз,

Берган эди

Янгамиз.

Совун билан

Ғалтакка:

Қолаб бўлдиқ

Қалтакка.

Бу шеърда ҳам лирик қаҳрамон нутқидаги содда, халқона жумла ("қолаб бўлдиқ қалтакка") шеърга завқли руҳ бағишлаб турибди. Бу буюрилган ишга бормай, кераксиз нишонни кўзлаган "мерган"ларнинг иқори. Хусусан, бир-бирдан биттагина харф билан фарқ қилган қофиядош сўзлар (ғалтакка, қалтакка) жаранги ҳам қалтак зарбининг товушидек садоланди, киши кўз ўнгига ўша ҳолатни гавдалантиради, "мерган"ларнинг қалтакбоп ахвали ўқувчида кулгу уйғотади.

Т.Адашбоев шеърларининг ҳушоанглиги ва ҳиссий (эмоционал) таъсирчанлигини оширишда қофия ва ритмнинг ўрни беқисс. Айни шу унсурлар, хусусан, болалар шеърининг муסיқийлигини, қуйчанлигини таъминлайди:

Давра тобда,

Нор рубоёда,

Баҳор вальсин

Яна чалсин.

("Барча қойил")

Қисқа вазн, ўйноқ ритм ва қофиялар жаранги давранинг қувноқ ва шодон муҳитини яққол тасвирламоқда.

Насрий асарда тақорланаверса ортиқча жимжимага айланиб қолиши мумкин бўлган ўхшатиш, сифатлаш, истиора, муболага каби санъатлар шеърли асарнинг жозибали ва таъсирли чиқишини таъминлайди. Албатта, улар шеърли асарда ҳам ўз-ўзича гўзал эмас, балки шеърнинг ғоявий мазмунига хизмат қилган, шоир концепциясини ихчам, ёрқин ифода этишга ёрдам берган тақдирдагина қимматлидир.

Ўхшатиш ва истиоралар орқали ёрқин поэтик тасвир яратиш Т.Адашбоев ижодида хос хусусиятлардан биридир. Шоир топқирлик билан, теран поэтик нигоҳ билан бири-бирдан йироқ, бегона нарсаларга ҳодисалар орасидаги ақинлик, боғлиқлик ва ўхшашликларни илғай олади. Бу ҳол тасвирланаётган объектни ўқувчи кўз ўнгига гоёта ёрқин ва таъсирли жонлантиришга, гавдалантиришга

ёрдам беради.

Дарҳақиқат, болалар адабиётида ўхшатиш болани уйлашга, фикрлашга даъват этади, унинг фантазиясини бойитади, тасаввурини кенгайтиради. Шу билан бирга, эстетик дидини ҳам ўстиради. Т.Адашбоев шеърларидаги ўхшатишлар оригиналлик, фавкуллоддлик билан ажралиб туради. "Саричелак" шеърда шоир қишлоқ табиати манзараларини чизар экан, бу тасвирлар замирида унинг она юртига бўлган адоқсиз меҳр-муҳаббат ҳам барқ уриб туради. Шеърда қишлоқ қўришларни бетакор, рангин бўёқларда чизилди.

Умуман, Т.Адашбоев кўпинча табиат манзараларини чизишга мойил. Бироқ у шеърларида табиатни шунчаки жонсиз натура сифатидагина тасвирламайди, балки бу манзаралар маълум бир маъно-мазмун, жозоба касб этади. "Хашар" шеърда оддийгина меҳнат жараёни жозибали акс этган. Унда шундай оҳорли сатрларни ўқиймиз:

Дов-дарахтни боғболлар

Соч-сочоли қийишди.

Биз оқлаган дарахтлар

Оппоқ пайпоқ қийишди.

Бу парчадаги истиоралар воқеаликни ёрқин ва таъсирчан гавдалантира олган. Тасвир эса ўқувчи дилини яйратиб, уни завқлантиради. Шеърда шох-шаббаси буталган дарахтнинг соч-сочоли қийилганга, поёси оқлаган дарахтнинг эса оқ пайпоқ қийилганга нисбат берилиши шоирнинг топиламасидир. Бундан ташқари, бу истиоралар объектни нафақат ташқи жиҳатдан, балки моҳиятан ҳам характерлайди. Масалан, соч-сочоли қийиш, оқ пайпоқ қийиш — булар тоза-озодалик белгилари. Шоир тоғдан кўринган қуёшни онаси ёлган патирга ўхшатади:

Онам ёлган патирдек

Тоғдан қуёш кўринар.

Айни пайтда бу ўхшатишдаги икки нарса — қуёш ва нон нафақат ташқи жиҳатдан, балки моҳият жиҳатдан ҳам бир-бирига яқин. Ўйин уларнинг иккиси ҳам тирикликнинг асосларидан. Шу билан бирга, бу ўхшатишда лирик қаҳрамоннинг онасига бўлган жўшқин меҳр-муҳаббат ҳислари ҳам акс этган.

Хусусан, ўхшашлик асосида яратилган истиоралар шоирнинг етук бадиий маҳоратидан дарак беради. Улар жонлантириш санъати билан бирга ажойиб бадиий топиламаларга айланади:

Ёмғир ерни ийдирад —

Яшил чакмон қийдирад.

("Олмос қалам")

Ёмғир ёғиши, бунинг натижасида ер ўшнаб, майса-утларнинг қуқаришини шоир шундай чироили истиора орқали тасвирлайди. Ундаги "чакмон" сўзи ҳам халқона, ҳам қадимий сўзи, у худди бу ҳолатларнинг азалий ва абадийлигини билдираётгандек.

Яшин — осмон оҳими,

Чакмоқ — гоҳи-гоҳими?

Чизар олмос қаламда

Нурдан қийиқ шохими.

Ўтти яшинини "осмон оҳи"га, чакмоқ чакқандаги турли нурли чизикларнинг олмос қаламда чизилган қийиқ шохига нисбат берилиши ва бунда шоир ўхшаган ва ўхшатиш билан нарсаларга ўртасидаги гоёат яқин жиҳатларни назорат илғаб олиб, поэтик акс эттириши ўқувчида завқ, ҳайрат бағишлайди.

"Сумалак" номли тўрт сатрли манзара шеърда шоирнинг образли тасвир яратишдаги беназир маҳорати яққол намоён бўлган:

Бойчечаклар ниш уриб,

То турғунча ўрнидан.

Баҳор қишни тарновга

Осиб қўйди бурнидан.

Бойчечаклар қўқаргунча, деган хабарга ишорат қилиш жонлантириш санъати орқали "То турғунча ўрнидан", деб бадиий баён этади. Кейинги сатрларда тарновга осилган муз тимсолида шоир қишни кўради ва уни баҳор осиб қўганини, яъни баҳорнинг қиш устидан ғалабасини тасвирлайди. Бу табиий ҳол. Шоирнинг маҳорати энг сўнгги сўзи қўллашда ҳақда айлосига этади: "бурнидан". Шу ўринда "бўғзидан" дейилганда қофия ҳам, маъно ҳам бузилмасди. Аксинча, оспанда бўғзидан оспадилар. Лекин бу сўз ишлатилганда шеърдаги ёқимли руҳ-жон ҳам "ўларди". Чунки "бўғзидан осиш" дейилганда этни жунжиктирадиган, сескантирадиган совуқлик бор. Бу бир манзара, тасвир, бунинг устига болаларга аталганини ҳисобга олсак, унда шеърнинг фожий тус олгани номмақбул бўларди. "Бурнидан осиш"да эса фожия эмас, кулгу-юмор руҳи бор. Худди ёш боланинг бурнини қимдиб тортиб қўйганга ўхшаб.

Баҳор — яшиллик, яхшилик, эзгулик фасли. У қаҳрли, қаттол эмас, қишни енгил-гина ҳазолаб, бурнидан осиб қўйган. Бу ҳолат ўқувчида ёқимли кулгу уйғотади. Айни пайтда шоирнинг истиора ва жонлантириш санъатларини қўллаб яратган бу манзараси, тўғриси, манзара шеъри ўқувчи бадиий тасаввурини кенгайтиради, поэтик топилмага бўлган ҳайратини оширади.

Умуман, ушбу тўрт қатор шеърда шоир ижодида, услубига хос кўп хусусиятлар акс этган: қисқа, ихчам ифода, манзарани аниқ таъсирчан тасвирлаш, жиндай кулгу-юмор, сўз қўллаш маҳорати...

Шулардан келиб чиқиб хулоса қиладиган бўлсак, Турсунбой Адашбоев ижодида ёқимли юмор-ҳазил, ёрқин ифода-тасвир шеърларининг бадиий мукаммал ва жозибали бўлишини таъминловчи муҳим омиллардандир.

Дилшод РАҲАБ,
филология фанлари номзоди

"Булбул навосидан ҳикматлар ўқиб..."

Инсон ўз қалбидан кечирадиган туйғулар орасида соғинчнинг ўрни алоҳида: соғинганда киши ўртанади, гоҳи хижрон оловиди ёнади, висол умиди унинг ўй-халларига нурафшонлик бағишлайди. Чиндан ҳам, соғиниб яшамок — бахт. Бу туйғу ўзида армону сурурни, хитрою орузу умидни ўйғуллаштириб келади, бирида руҳга маҳзунлик бахш этса, бирида кўтаринки кайфият ато қилади.

Истеъдодли шоира Муножатхон Қаримжон қизининг "Адиб" нашриётида чоп этилган "Сени соғиниб" номли тўпламидаги аксарият шеърлар ана шу соҳир туйғу таровати, ҳузури, азоби ва севинчи билан йўғрилган.

Авалло, китобнинг мундарижасига эътибор қаратсак. Ундаги шеърларга мавзуларига кўра алоҳида-алоҳида туркумлар шаклида тартиб берилган. Чунончи, "Бахтлар эли" туркумида Ватан мадҳига бағишланган шеърлар жамланган бўлса, "Ташналигим қонган булоқлар" туркумида болаликнинг бегубор тоғларга, дилбандларга меҳр-муҳаббатли ота ва она хотираси, солиҳ фарзанд шукроналари бадиий ифодасини топган шеърлар ўрин олган. Ҳар бир туркум муаяян бир мавзунинг таъсирчан ва сод-

да, самимий поэтик талқини билан ўқувчиға юқумли тарзда етиб боради, кўнглига ҳузуру ва суруру бағишлайди. Қуйдаги мисраларни ўқиб, бунга ўзингиз ҳам ишонч ҳосил қиласиз:

Боғлар ширин ифор таратар,

Насиб бўлиш булбулга висол.

Боққан сайин кўзини яйратар,

Бу кун олам келинчак мисол.

Ғулчаларнинг лабида халда,

Янғиратар шўх қуйлар осмонни.

Ҳаёт заъки, тириклик шукҳи боғларга, чаман бўлиб барқ урган гулзорга "қўчирилган" ушбу манзара ҳолат, кайфият ранглари, ҳаракатдаги сурур ифодаси билан кўнглиларга шавқ улашадиган, яшариб, яшнаб турган — "келинчак мисол" олам гўзаллигини таранум этади.

Бундай турфа ранглар жилосига безанган шеърларида Муножатхон ўзидаги сўзга жон бағишлайдиган истеъдодини бинойидек намояён эта билган. Дарвоқе, китобга ёзган сўзбоши-сида шо

Зиёвиддин МАНСУР

ИШОНЧ-ЛА БОҚАРМАН ПОРЛОҚ ЭРТАМГА

КОНСТИТУЦИЯ ШАЪНИГА

Асосий Қонуним!
Эй турмазмуним!
Эй эл-юрт шаъни нақш этилган китоби!
Сен менинг ҳуқуқий дорилфунуним,
Сен бахтим уфқида балқиган офтоби!

Сен борсан, толеим, камолим юксак,
Ишонч-ла боқурман порлоқ эртამга.
Ҳар қандай минбарда мен кериб кўкрак,
Бахтимдан жар сола олгум оламга.

Сўзимни ҳеч ким маън этолмас асло,
Ҳеч кимса йўлимга қўя олмас гов.
Асосим: Ҳақ нига берганинг фатво,
Асосим: Эркимга бўлганинг гаров.

Дунёнинг бирон бир мамлакатиди
Фуқаро бу каби юксалмаган тик —
Бирон бир давлатнинг салтанатиди
Шаҳс қадр тонмаган сендагичалик!

Дўстларим!
Яқиндир биз орзиққан кун,
Бизларни қутмоқда ёрқин келажак.
Ҳамиша устувор эканки қонун,
Бу давлат, албатта, буюк бўлажак!

Шул боис дилларда жўшар муттасил
Юксалиш туйғуси, ўсиш туйғуси.
Бунга голиб халқим ва ўзинг кафил
Эй, буюк юртимнинг
Буюк Қомуси!

БЎСТОНЛИҚ БАДИҲАСИ

Бўстонлиқ бағрида бетимсол безак,
Баҳамалга бурканмиш безавол боғлар.
Бўйласанг бол бўйли бўй берар бешак
Бу боғлар бағрида бўртган бодроқлар.
Бисотинг бунча бут баркамол баҳор?
Бойвучча бўлибсан бутун борлиққа!
Боғларда болзабон булбуллар белор,
Байт битар бу баркут бетакорликка.
Бекам! Бу баркамол боғларга бир бок,
Бок! Борлиқ безакка беланмиш бирам,
Боғларда борлиқда борн бор, бироқ
Бўлмасанг, бу боғлар бепари — бир кам...
Баҳордан бўйироқ — бойроқ бойлигим —
Бахтимга бор бўлгин, Бизнинг бўйлигим...



ХИРГОЙИ

Санам! Сенга адолар кўп,
Адолардан бири мен ҳам,
Ўзин тиккан фидолар кўп,
Фидолардан бири мен ҳам.

Ҳамиша кўчалар гавжум
Ўтиб қолсанг, — деб, эй моҳим!
Йўлинг пойлар галолар кўп,
Галолардан бири мен ҳам.

Сени шайдоларинг бисёр,
Мени савдоларим, эй ёр!
Суйсанг гар асолар кўп,
Асолардан бири мен ҳам.

Билолмам не балосан ё
Балогардон эрусанки,
Сенга боққан балолар кўп,
Балолардан бири мен ҳам.

Сени севганлигимда не
Синоат бор, ажаб? Балки
Ҳаётингда хатолар кўп,
Хатолардан бири мен ҳам.

Ҳумо ҳам энг азиз бошга
Кўнар бир бор, аё гулоз!
Сенинг бошда ҳумолар кўп,
Ҳумолардан бири мен ҳам.

Муҳаббатдан адолар кўп —
Ки дарди бедаволар кўп,
Даво бўлган даволар кўп,
Даволардан бири мен ҳам.

Не бахтки, кундуз офтобу
Тунингда ою юлдузлар — бир кам...
Зиё сочган зиёлар кўп,
Зиёлардан бири мен ҳам.

МУШОҲАДА

Аллоҳ куч-қудрати олдиди, инсон,
Сенинг куч-қудратинг нима бўлибди?
Дунё бўйлаб ўтган не-не паҳлавон
Сенинг салобатинг нима бўлибди?!

Биру бору тенгсиз соҳиб қудрат
Борлиқни яратди кўрсатиб ибрат,
Сен-чи? Нарн борса қурдинг иморат,
Қурган иморатинг нима бўлибди?!

Севдим деб айтасан айлабон таъна,
Гўё ҳар кўрганда жон кўрмана.
Лайли Қайси қилган Мажнун — девона,
Сенинг муҳаббатинг нима бўлибди?!

Боболар ўтдилар кўрсатиб журъат,
Жанларда қон кечиб, чекмай надомат.
Сен шу тинч қида ҳам қилурсан ҳасрат,
Сенинг бу ҳолатинг нима бўлибди?!

Ватан, ватан, дейсан, дейсан “севаман”,
Оталар унинг-чун тиккан жон ва тан.
Сен унинг боғларин этмасанг чаман,
Сенинг садоқатинг нима бўлибди?!

Эй, актёр! Эй, ҳофиз! — соҳиб санъат!
Касбинг-ла топасан мол-дунё, давлат.
Халқни эзгу нига қилмасанг даъват,
Сенинг бу санъатинг нима бўлибди?!

Шеърлар эзиб юрган эй, шоир ука!
Балки ашъоринг зўр, ишинг ҳам тикка,
Элни чорламаса бунёдкорликка
Сенинг шеърятинг нима бўлибди?!

Бордир саодат деб аталган туйғу,
Саодат — эл-юрт-чун чекмоқдир қайғу.
Гар эл-юрт ишқиди ёнмасанг мангу,
Сенинг саодатинг нима бўлибди?!

ОСМОНДАГИ ЭНГ УЛУҒ ДУО

Болаликда энг зўр муддоа:
Самолётда чумоқ бўларкан.
Учганда энг улуг дуо:
Омон ерга тушмоқ бўларкан.

ЗИНАЛАР

Менга таъна тошларин ҳарчанд
Кўпроқ отсанг,
Бўлурман хурсанд.
Мен улардан зиналар ясаб,
Чикавергум янада баланд.

НАВҚИРОНЛИК

Кекса Афанди сўзни
Сўзга улар ўхшатиб,
— Тўтғун ёшлардай ўзин
Кучим ўша-ўша, деб.

Қирчиллама қирқ ёшда
Менга ҳеч иш чўтмасди,
Лек бир тегирмонтошга
Сира кучим етмасди.

Урсам ҳам анча ёшми
Ҳануз қирқ ёш ҳолдайман.
Ўша тегирмонтошни
Ҳануз кўтаролмайман.

Гулбахор САИД ФАНИ

ОШИҚЛАРНИНГ ТИЛИДИР МАЖОЗ



ВОДИЙГА ҚАЙТИШ

Бир-бирини қувлар ям-яшил қушлар.
Балки мени қутиб олгани шовиб,
Кеттиси келди доводдан ошиб
Тошкентнинг йўлига чиққан тераклар.

Соғинчдан саргайган олма дарахти,
Мени соғинганимни шафтолилар ҳам,
Она ер меҳрини, қуёш тафтини
Эмиб олганини кўргани баҳам.

Ариқнинг четига бағрини бериб,
Қўзилиб қолибди салла — ошқовоқ.
Анжирнинг юрати соғинчдан эриб,
Тўкилар. Ҳузурин кўради чорбоғ.

Қадам қўйдим: боғи, дала-тузи-да
Озод шамолларга чулғаниб ёди,
Чайқалади бутун бахт денгизиди
Яшил кема мисол гул таққан водий.

Бир-бирини қувлар ям-яшил қушлар.
Чапаклар чалади осмондан ошиб —
Тонгда мени қутиб олгани шовиб
Тошкентнинг йўлига чиққан тераклар.

Эшикларин очди қўнғул,
Зулфинлари занглаб синади.
Жилмаяди фаршга қўнғул,
Бахтли асли унинг тийнати.

Енгилдимни шуңчалар енгил —
Қирқта сирим сеники бўлди.
Соқилликда яшаган қўнғул
Муҳаббатга қўнқиқ бўлди.

Мен қирқ бора ўзимдан кетдим —
Қирқта сирим бағрида гуноҳ.
Ҳузурингда титрайди жоним,
Сен — дилимнинг сиридан огоҳ!

Ҳар нафасим бағрида ҳасрат —
“Худо, менинг дилимни асра!”
Қирқ биринчи сиримдир жоним,
Қирқ биринчи сирим — имоним!

ПАҲЗАЛАР СУВРАТИ

Кўёш нури аксимга тушди,
Қўзларимни қуйдиради у.
Қўзонагинг бериб тур, булут...

Тушларимдан уйғотдим барин,
Ҳузурингда боради ҳуррак
Мактубларим — соғинч қушларим...

Эй дил, аксингни баён айла,
Ҳақ сори арзингин аён айла,
Умрининг ишқиди поён айла.

Бир мужда келтирди саҳарги насим,
Дилим ардоғида бир гўзал исм.
Соғлар суҳбатин тинглаб тун кеча,
Япроқлар бағрида йиғлади сим-сим.

Тун — менинг севгилим,
Қисматимдек қародир қўзи,
Оғушимда айланди тонга.

Мен тонгин қучоқлаб ётибман,
Юрагимда девона қуёш
Қуйдиради жисму жонимни.

Денгиз тубига чўккан тош,
Қосасида тугатган бардош —
Сендан кейин яшаган умрим.

Нега мени алладинг, севинч?
Қўз ёшимдан маржон тақибсан.
Бевафони севдириб қўйиб,
Армонимга буюк рақибсан.

Сен — тилимдан тушмаган айтим,
Дилимда яширин ягона байтим,
Қўзингда осмонин чамалаб қайтдим...

Айро йўлдан мен кўркмас бўлдим,
Абдиёт кўчаларидан
Яна сенга боради йўлим.

Қўзим қаросида снётган ташбех,
Гуноҳдек дувиллаб тўкилар ерга
Кипригим остидан беҳисоб тасбех.

Бўри болалайдиган унғур
оғзиди илоннинг қучла бўлиб
ётишини, бўриваччаларни вақт-
бевақт илон қўриқлашини бир
овчидан эшитгандим. Очиги,
ўша гапни муволафа деб ўйлаб,
қўл силтаб қўйгандим. Кейинроқ
ўзимнинг бошимдан ўтган мана
бу воқеа қўзимни мошдай очиб
қўйди. Хош ишонинг, хош ишон-
манг, орадан ўн беш қовун
пишиги ўтсаям ўша воқеа қўз
ўнғимда...

Қирқ билан эллиқнинг нари-
берисида эдим. Бизнинг барлос
қавимимиз эшигиди беш-ўнта
қўй-эчки асарамаса, «учовара»-
га қўшилмайди. Етти пуштимиз-
дан нарида отакентлик катта
бобомизга она совлиқ шивир-
лаб айтган экан:

— Ҳой одам, мен Одам Атога
эргашиб жаннатдан чиққанман.
Таъбим нозик. Тўғимдай қаттиқ
одамга ҳақ бераман. Меҳрин-
ни аямасанг, турган-битганим
барака! Бир амаллаб узун
сонимни эллиқка етказсанг,
элингни-овулингни бокаман!

Эчкининг тилини тушунади-
ган яна бир бобомиз болалари-
га манови ҳикматни бот-бот
тайинлаган экан: Эсинг кетса,
эчки қил!

Бизам ўшалардан ортиб
қайта бордик. Қаттиқчилиқни
бўйнимизга олиб, қўй-эчкимиз
сонини йигирматадан ошириб
оламиз-да, ҳу анови Лангар
тоғ бағридаги бобомерос

яйловга ҳайдаймиз. Қиш-қиров-
ли кунларда ҳовлимиздаги
бостирмали кўтонда, қўлмада
адир ёқалаб, ёз келиши билан
баланд тоғ чўққилари бағрига
капа тикиб қўйиб чиқамиз. Бунн
қарангки, саратон пайтида ҳам

чўққилар қўлтиғида хур-хур
шабада, салқин, жилғалар жи-
мирлаб, гўёлар ям-яшил бўла-
ди. Бундай яйловда уч-тўрт ой

ўтлаган қўй-эчкилар баб-бара-
вар семириб, бўрдоқи бўлади.
Қиш бошида туғилган қўилар
ота-онасига бўйлашиб, бозорга
оптушсангиз, оёқ тираб «дусоқ»

(икки-уч ёшли урғочи қўзи)
совлиқ нарҳида сотасиз...

Биз тарафда «Қўй қилсанг,
ўзинг бок, қўпонга қўсанг, омон-
нат» деган гапга амал қилиб,
қўни-қўшиллар, қариндош-уруғ
беш-ўн киши «навбат»га чиқа-

миз. «Навбат» дегани шундай-
ки, қўпонликка чиққан киши ке-
чқурун қўтонга етиб бориб, тун-
ни шерик билан ўтказган, эр-
талаб қўни санаб, қабул қилиб
олади ва шерикка жавоб бера-
ди. Иккинчи кеча ҳам шундай
давом этади. Бўлар гапни айт-
сам, шўронинг замониди қўй-эч-
кимиз ўнтадан ошмас эди.
Оширгани қўйшмасди. Маж-
бурлаб «гўштлиққа» олиб қўйи-
шар эди. Ҳозир замон бошқ-
ача, эпласанг, юздан ошир!
Оқибат бозорни арзон қиласан.
Бундай рўшнлик ҳеч қачон
бўлмаган.

Саратон сариқ чопони-
ни елкасига ташлаб,
жиловуқлар фарғонача
катта ашуласини бошла-
ганда «яйловқонди» қилиб
ўрмалаб, баланд тоққа

кўчамиз. Катта йўл адоғидаги
Қоратут деган офтобга терскай,
бироз тошли бўлсаям серўт
манзилга сурувни ҳайдаганим-
мизга икки ҳафтадан ошганди.
Яйлов серўтликка серўт, аммо-
лекин анчайин хилват ҳам. Ёзда

тоққа ўрлайдиган қўпонларнинг
хаммасини Қоратутга қўй ҳай-
дашга юраги бетламайди. Сер-
сув жилғалар бўйи қалин чака-
лақор. Сой бўйидаги маймун-
жонзорлар шундай қуюқки,
самолётдан асосан ҳам аъзойи
баданнинг озор етмайди.

Удан ҳам юқорикда, ача-
қадан етмайди қорин қалин ор-
зор орасида форсимон унғурда
бўри болалайди. Беҳамроҳ,
бемилтиқ, бўрибосар итларсиз
Қоратутдаги қўтонда тунаб

бўлмайди. Хайриятки, бинойи-
дай итимиш ҳам, илгаридан
Қоратутда қўй ҳайдайдиган

«тишқоқди» қўпонларимиз ҳам,
қўй итимиш ҳам, илгаридан
Қоратутда қўй ҳайдайдиган

«тишқоқди» қўпонларимиз ҳам,
қўй итимиш ҳам, илгаридан
Қоратутда қўй ҳайдайдиган

«тишқоқди» қўпонларимиз ҳам,
қўй итимиш ҳам, илгаридан
Қоратутда қўй ҳайдайдиган

«тишқоқди» қўпонларимиз ҳам,
қўй итимиш ҳам, илгаридан
Қоратутда қўй ҳайдайдиган

ни зиёд йиртган Шариф ҳўка
эғилганча, эшагини эғарлаёт-
ганда тайинладим:

— Анови бодича Юнус пўпи-
га (тикрайтириб соч қўйиб юр-
гани учун лақаби пўпи) хо-
тинчаси қўйдан яхши кўриниб,
оқшомги навбатга келмай
қўймасин, хўпми?

— Майли, майли, айтаман!..
Бу маконда қўппа-қўндузи ҳам
сурувга бўри ташланиб қолиши
мумкин. Итимиз кечаси билан ух-
ламай, хуриб чиққани учун кун

бўйи қўтонда, тош соясиди бир
қўзини очиб, иккинчисини юмиб
ухлайди. Хушёр бўлмасанг, қўй-

Ҳикоя

ТИДСИМДИ ТОҒЛАР

қўзини олдириб қўйишинг мум-
кин. Лекин қўйчиловлиқнинг маза
томони ҳам бор-да... Сурувни
бир сермаб қайтариб қўйиб,
қизиб турган ясоқшош устига
кетининги босиб, ўзинг билан
ўзинг қилиб, қўйларнинг қурт-қурт
ўт чайнаётганига қараб туриб,
хаёл сурганга нима етсин! Хотир-
га нималар келмайди...

Кўз очиб фўтиганимиз янган-
гиз Сабоба қўриқлигим пайтам-
да икки қир оша қўшни қиш-
лоққа «қаллиқ»қа борганман,
денг. Баъзан пийда, баъзан от
ёки эшакда. Яқинроқ бир сой-
да қоронғи бўлишни пойлаб,
Сабони қақриб чиқиб хилват-
га ўтамиз-да, ширин-ширин
сухбат курамиз. Гап топилай
қолганда шартта ўнчига ўтаман.

Бир сафар борганимда қайно-
дан раҳматли хуфтон номози-
ни ўқийтган экан. Мушукдай
ўрмалаб томга чиқиб, яна му-
шук юриш қилиб бўғотга келиб,
эғилганча хуштак чалайман.

Жўрттага қилибми, Сабо чиқма-
япти. Қайнотам бечора номоз-
ни шоша-пиша тугатиб, «Асса-
лому алайкум ва раҳматуллоҳ»,
дея ўнг-чапига салом бериб,
томда эгилиб турган бошимни

қўриб қолиб, ўғри деб ўйлади-
ми ёки атайлабми, «омин» дея
ўрнидан туриб, сўкинганча
нарвон тарафга юрди.

— Ўлдим, энди қўлга туша-
ман. Шарманда!

Бўрилиб орқага юрдим-да,

таваккал қилиб ўзимни
томдан олдим. Жоним
оғзимга келиб кетяп-
ман-кетяпман, сира
оёғим ерга етмайди.

Чўқур лойханда экан. Тиззамга-
ча лойга ботдим. Уриниб-сури-
ниб бризент туфлим лой ичида
қолиб, ялангоёқ ўрмалаб чиқиб
қочдим. Қайнотамнинг овози
чиқмади. Ичида роса қулган
бўлса керак. Икки кун ўтмай уй-
лимизга одам жўнатди:

— Буйтиб юрмай, кесин-да,
одамини опкетсин!

Эҳ, эсга тушганда энтиқиб
кетасан киши... Ҳаёл билан

бўлиб нарида бир қўйнинг
безовта инграётганини эшитиб
қолдим. Ўн беш-йигирма қадам
пастда тўрт галман бўйи астан-
ган ясоқшош тош биқинида бир
дусоқ (икки-уч ёшли урғочи
қўй) пишқирганча олдинги
оёқларини тап-тап ерга уриб,
хезланиб турибди. Нима экан
уни бунчалик безовта қилган
бараси? Атрофда бошқа қўйлар

намайлотириб ўтламоқда. Қизи-
қиб икки-уч қадам юрдим.

Ие, ана, илон, катта илон, улоқ
ёки қўзичоқни ўртага олиб,
бўғиб турибди. Улоқ боши ўрта-
да тўлғонмоқда. Эҳ ҳа, бу улоқ
боши эмас, катта морнинг боши.

Боши шундай бўлса, танаси
қандай экан? Бадамим бижи-
рлаб, танамга чумоли ўрлади.

Ҳамла қилса, мениям ютиб юба-
рди. Энди нима қилдим? Ким-
дир айтди. Бунн мендан бош-
қалар ҳам қўришган. Биров юрак
ютиб унга яқин йўламаган. Мен-
да ўқланган милтиқ бор. У шун-
га ярамаса, нимага ярайди? Мо-
хир мерган каби милтиқни ел-
ни шоша-пиша тугатиб, «Асса-
лому алайкум ва раҳматуллоҳ»,
дея ўнг-чапига салом бериб,
томда эгилиб турган бошимни

қўриб қолиб, ўғри деб ўйлади-
ми ёки атайлабми, «омин» дея
ўрнидан туриб, сўкинганча
нарвон тарафга юрди.

— Ўлдим, энди қўлга туша-
ман. Шарманда!

Бўрилиб орқага юрдим-да,

таваккал қилиб ўзимни
томдан олдим. Жоним
оғзимга келиб кетяп-
ман-кетяпман, сира
оёғим ерга етмайди.

Чўқур лойханда экан. Тиззамга-
ча лойга ботдим. Уриниб-сури-
ниб бризент туфлим лой ичида
қолиб, ялангоёқ ўрмалаб чиқиб
қочдим. Қайнотамнинг овози
чиқмади. Ичида роса қулган
бўлса керак. Икки кун ўтмай уй-
лимизга одам жўнатди:

— Буйтиб юрмай, кесин-да,
одамини опкетсин!

са, гўргайди. Ҳали Юнус пўпи
келса кўрсатиб мактанаман.
Ҳозирча жойида тура турсин...
Ўзимча ёвуз аждархон ўлди-
рган баҳодирдек бироз ҳавола-
дим. Бирок илон томонга бориш-
га, бориб қўришга юрагим бет-
ламади. Ҳали шеригим келса,
улғураман, деб ўйладим. Ногоҳ
қарасам, сурувнинг бир томони
ўқ овозидан ҳайиқиб кетибди.

Офтоб ҳам уфққа ёнбошлаб тош-
лар сояси кун чиқиб то-
монга қўзилибди. Шоши-
лиш керак. Харсанглар
оралаб пасту баландга
югуришинг ўзи бўлмай-
ди. Тўрт оёқли, темир ту-

ёқлига қараганда икки оёқли,
юмалоқ бошлининг бузук жой-
да юриши қийин. Маҳмат мудир-
дан яқинда олганим латта ботин-
канинг таги «падуш-лиги ёдим-
дан кўтарилибди. Чап оёғимни
бўшангрок ташлаб юбориб той-
иб кетдим. Йиқила туриб оёғим
буралаб, қаттиқ қарчиллади.

Оғриқнинг зўридан ихраб юбор-
дим. Расво бўлди. Чап оёғи ё си-
нда, ё чиқди. Ошиқ атрофи қўка-
риб кетибди. Оғриқ тобора
зўрайиб, оёқ шиша бошлади.

Энди шўрим қуриди. Бир оёқлаб
сурувни қандай қайтараман.
Зоримда милтиқни бир амал-
лаб ковакка тикдим-да, таёққа
суяниб зўрга юра бошладим.

Қўйлар эса парвойи палак. Еб
тўймас юҳодек ўт-ўланга ёпиша-
ди. «Хўп бўлди, ажаб бўлди», де-
гандек чор-атрофга ёйилиб
ўрмалайди. Икки қўзим шарша-
ра ортидаги қишлоқ тарафда.

Ёлғизоёқ йўлга

XVI асрда Марказий Осиёда яшаб ижод қилган мусаввир ва шоир Мир Саид Али ҳақида сўз борганда, аксарият тадқиқотларда Эрон, Ҳиндистон, Афғонистон ҳамда Озарбойжон миниатюра санъати ривожига салмоқли ҳисса қўшган буюк ижодкор сифатида қайд этилади. Чиндан ҳам, машҳур рассом ҳаётининг асосий қисми Бадахшон, Табриз, Кобул ва Шимолий Ҳиндистон ҳудудларида кечган. Аммо шу ўринда бир жиҳат эътиборини тортади, яъни шу кунга қадар ўрганилган аксарият манбаларда мусаввирнинг туғилган жойи, тасвирий санъат соҳасида қилган таҳсил олгани борасида аниқ маълумот мавжуд эмас. Бунини ҳориж тадқиқотчиларининг узоқ йиллар давомида Мир Саид Али замонида ёзиб қолдирилган қўлёзмаларга дуч келишмаганини оқибати, деб изоҳлаш мумкин.

Шуни мамнуъи билан айтиш мумкинки, бугун улуг мусаввир ҳақида маълумот берувчи бундай манба, яъни "Нафоис ул-маосир" ("Яхши амаллар фазилатлари") тазкирасининг учта форсий аслият ва битта ўзбекча таржима қўлёзмаси Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти

Тадқиқот, ахборот

да сақланмоқда. Мусаввирнинг замондоши Алоуддавлa ибн Яхё ас-Сафий ал-Ҳусайнийнинг "Нафоис ул-маосир" ("Яхши амаллар фазилатлари") тазкираси Ҳиндистонда Заҳридин Мухаммад Бобурнинг невараси Жалолиддин Акбар ҳукмронлиги даврида ёзилган. Унда Бобур ва унинг авлодлари ҳукмронлик қилган даврда Ҳиндистон ҳамда унинг атрофида яшаб, форс тилида ижод қилган шоирлар ҳақида маълумот келтирилган. Мазкур тазкирада шо-

биринчи ўринга қўяди. Қозӣ Аҳмад 1597 йилда ёзган "Хатотлар ва мусаввирлар ҳақида хикоятлар" рисоласида бу хусусда шундай деган: "Ота ва ўғил — ҳар иккаласи ҳам бахтсизлик ҳолатига тушиб қолган эдилар ва шунга кўра Ҳиндистонга сафар этдилар". Мир Саид Али ва унинг отаси Мир Мусаввир Ҳиндистонга кўчиб боргунча ҳаётнинг кўп синовларини енгиб ўтишган. Мир Саид Али ўсмирлик чоғида Шайбонийхон босқини туфайли она шахри Термиздан бош олиб кетишга мажбур бўлади. Кейинчалик машҳур мусаввир Бехзод Хиротдан Табризга кетиб, сафавийлар саройида кутубхона мудир, нигористон раҳбари этиб тайинланганини эшитгач, унинг ҳузурига ошиқишади.

Термизлик ижодкор ҳарбий юришлар, жанг ва ов манзаралари, турли тарихий воқеа-ходисаларни акс эттиришга жиддий эътибор қаратди. Олим Илёс Низомиддиновнинг фикрича, "Темурийлар хонадони"



ТЕРМИЗЛИК МУСАВВИР ВА ШОИР



ирлар тахаллуслари асосида араб алифбоси бўйича жойлаштирилган. Мир Саид Али шоир сифатида Жудой тахаллуси остида ижод қилгани назарда тутилган ҳолда, тазкиранинг "жим" ҳарфи билан номланган бешинчи бобида Абдурахмон Жомий, Шайх Жунайд, Жой Мирзо, Шайх Жамали кабилардан сўнг келади.

Ушбу тазкирадаги маълумотларга эътибор берилса, бўлажак мусаввир Табриз ёки Ҳиндистон рассомларидан таҳсил олмаган, балки Термизда яшаб ижод қилган, Мир Мусаввир (мусаввирлар амираи деган юксак унвон) номи билан шуҳрат қозongan ўз отаси, машҳур мусаввир Мир Мансурдан сабоқ олгани қайд этилган. Акбаршоҳнинг вазири Абул Фазл ўзининг "Ақбарнома" китобида Мир Саид Алини мактаб: "У бу санъатни отасидан ўрганди. У бу саройга келганидан бошлаб, подшоҳнинг меҳр қуёши панона ҳида бўлди. У санъати билан ўзини машҳур қилди" деб ёзган. Муаллиф Мир Саид Алини Табриздан келганини айтиб, саройда йиғилган бир юз элликка яқин мусаввир ичид

Мир Саид Али Эрон шоҳи Тухмаспдан ташқари, Бобурий ҳукмдорлар саройида ижод қилган ва шу даврда тасвирий санъат соҳасида энг юксак натижаларга эришиб, "Нодир ул замон" унвонига эга бўлган. Шу маънода айтиш мумкинки, Мир Саид Али ислом маданияти ривожига ҳисса қўшган рассомлар қаторидан ўрин олишга эришди. Айнан шу туфайли ҳам унинг ижоди бир халқ ҳаётини тасвирлаш билан чекланмаган. Бунини Низомий, Фирдавсий достонлари, қадимий ривоятлари реал сюжетлар асосида яратган асарлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу жиҳатдан Мир Саид Али буюк Бехзод ишини давом эттиргани. Унинг Темурийлар хонадони аъзоларига бағишланган миниатюралари бугунги кунда Буюк Британия музейида сақланмоқда. Бу асарлар Темурий ва Бобурийлар салтанатининг машҳур кишилари портретлари акс этгани учун ҳам ниҳоятда қадридлир. Акбаршоҳ саройи аъёллари ва машҳур кишиларнинг расми чизилган катта тўплам яратишга ҳам Мир Саид Али Термизий бош-қош бўлди.

Ҳозир дунё экранларига чиқарилаётган мултифилмларнинг аксарияти янги компютерларнинг 3D технологиялари ёрдамида суратга олинмоқда. Бу борада АҚШ, Япония, Хитой, Россия, Канада ҳамда Европанинг қатор мамлакатлари олдинги марраларни эгаллаб турибди. Бироқ ҳорижий филмларнинг аксарияти техник жиҳатдан аъло даражада яратилса-да, уларда илгари сурилган юзларнинг нисбатан кўпол, жангари, баъзан яланғоч ҳолда тасвирга олингани болалар онгига салбий таъсир ўтказиши, шубҳасиз.

Шунинг учун ҳам ёш авлод тарбиясида бошқа соҳалар қатори мултифилмларнинг алоҳида аҳамияти борлигини тушушган ижодкорлар жаҳон андозалари асосида мултифилмлар яратишда миллий руҳиятни ҳисобга олишга имкон қадар ҳаракат қилишмоқда. "Ўзбекфилм" қошида анча йиллардан буён

фаолият олиб бораётган студияда махсус сценарийлар асосида ёш авлодни эзулиқча қорловчи, миллий ватанпарварлик, она Ватанга муҳаббат, маънавий қадриятлари эъозлаш туйғуларини шакллантирувчи кўплаб мултифилмлар яратилди. "Алпомиш", "Широк", "Икки қўшни", "Янчар қўён", "Ирқитвой ва Қирқитвой", "Айтсам ишонмайсиз" каби анимацион филмларда бу соҳага янгича ёндашув яққол сезилди. Бироқ сценарийлар масаласида, режиссёрлик ишларида ўзгариш бўлгани билан кўпинча филмларни яратишда эски услубдаги технологиядан фойдаланилмоқда. Яъни, филм учун аввал тасвир чизиб олиниб, сўнг ҳаракатлантирилади. Мултифилмларнинг эски услубидаги филмларнинг номунасонлиги бугун жажжи томошабинни зериктириши табиий. Чунки эскича иш услубида қаҳрамонларнинг юз қиёфаси, имо-ишораларида ҳолатга қараб ўзгаришлар сезилмайди. Тасвирда фазовий

рий санъатида унинг асарларидан илҳомланиб ижод қилган миниатюраларни рассомларимиз талайгина. Бу ўринда Тельман Мухамедов ва Нийёзали Холматов каби таниқли рассомлар ижодини кўрсатиш мумкин.

Эсимда бор, Тошкентда яшаб, ижод қилган рассом Тачат Оганесовнинг уйда "Бутун дунё арман рассомлари" деган китобни кўрган эдим, унда қаерда туғилган бўлишидан қатъий назар арман миллатига мансуб ижодкорларнинг номи қайд этилган. Ушанда Т.Оганесов ушбу китобда ўз фамилияси борлигини фахрланиб гапирган эди. Эндилкида бошқалар фахр билан тилга олган Мир Саид Алидек улуг рассомга юртимизда ҳам эҳтиром кўрсатиш вақти келди.

Юқорида номи кўрсатилган қўлёзмалар урду ва форсий тилларда ёзилгани учун шарқшунос олимлар ва санъатшуносларимиз ҳамкорлигида улар устида янада теран изланишлар олиб бориш мақсадга мувофиқ. Келгусида қилинадиган ишларда уларнинг хулосаларига асосланилса, айни муддао бўлур эди.

Дарҳақиқат, Мир Саид Али худди Бехзод сингари турли мамлакатларда ижод қилди. Бехзодни бугунги кунда Эрон ва Афғонистон ҳам ўз рассомлари деб билади. Мир Саид Али ҳам Термизда туғилиб, Бадахшон, Табриз, Кобул ва шимолий Ҳиндистонда Темурийлар, Сафавийлар, Бобурийлар ҳукмронлиги даврида яшади ва ижод қилди. Унинг ранг-баранг ижоди маънавий мерос сифатида Шарқ халқлари, жумладан Ўзбекистон учун ҳам бирдай ардоқли ва қадри.

2013 йили улуг ватандошимиз таваллудига 500 йил тўлади. Ҳиндистонда, Акбаршоҳ замонида "Нодир-ул Мулк" (Давлатнинг нодир сиймоси) деб ном олган бу рассом мақоми ва ижоди кўлами ўз замондошлари ҳамда ҳорижлик мутахассислар эътирофига, буюк Камолитдин Бехзоддан кам эмас. Унинг ижоди замондошлари, машҳур ҳинд, инглиз, эрон, озарбойжон олимлари томонидан кенг ўрганилиб, таҳлил этилган. Жумладан, рассомнинг замондошлари, тазкиранавис Алоуддавлa ибн Яхё ас-Сафий ал-Ҳусайний, Қозӣ Аҳмад, форс тарихчиси Дўст Мухаммад, Содиқи Китобдор, Акбаршоҳнинг вазири Абул Фазл, озар олимлари А.Ю.Казиев, К.Д.Керимов, инглиз санъатшуноси Перси Брун, ўзбек олимлари И.Низомиддинов, О.Усмонов, Ж.Мирзолар ўз баҳоларини беришган. Мир Саид Али меросининг бир қисми — олтимишта асари Австриянинг Вена шаҳридаги "Индиатрэл" музейида ва йигирма бешта асари Жанубий Кенсингтондаги "Виктория ва Альберт" каби музейларда, шунингдек жаҳонга машҳур кўплаб галереяларда сақланмоқда. Биз улардан нусхалар олиб, Ўзбекистон Бадий академияси Камолитдин Бехзод номидаги мемориал боғ-музейи залларида намойиш қилсак, Жудой тахаллуси билан битган шеърларини ўзбек тилига ўтириб, халқимизни баҳраманд этсак, нур устига нур бўлади, деб ўйлайман.

Нодир НОРМАТОВ

Суратда: Мир Саид Али асарларидан намуналар

Сўнгги йилларда ўзбек кинорежиссёрлари ижодида болаларга бағишланган филмлар яратишга эътибор ошиб бормоқда. "Кичкина табиб", "Ойдин", "Чол ва набира" картиналари фақат болаларнинг эмас, алақачон катталарнинг ҳам эътиборига тушган. Яқинда болалар филмлари рўйхати яна бир асар билан бойиди. Таниқли актёр Фахриддин Шамсиматов ўзини режиссёрликда синаб "Сой қўшиғи" картинасини суратга олди.

Ҳар қандай филм муаллифлари ўз асарида янги, ўзига хос қаҳрамонлар образини яратишга интилади. Шу маънода "Сой қўшиғи" филмининг сценарий муаллифлари Шароф Бошбеков ва Игор Блударёв бош қаҳрамон сифатида мактаб ўқувчиларини танлагани бежиз эмас. Биринчидан, бугунги кунда юз бераётган воқеаларни болалар ҳаёти орқали кўрсатиш томошабин учун қизиқарли бўлса, бошқа томондан бу асарда кўтарилган ғояни содда ва тушунарли ифода этиш имконини беради.

Маълумки, Шароф Бошбеков драматургияси ҳамиша характерга бой образлари билан ажралиб келган. Бу хусусиятни "Сой қўшиғи" филмида ҳам кўриш мумкин. Ҳар бир бола ўзгача бир дунё, қиёфаси ҳам, характер хусусиятлари ҳам мутлақо бир-биридан фарқ қилади. Айнан шу жиҳатлар режиссёр ишига яқиндан ёрдам берган. Филмга таклиф этилган болалар ижросига алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Ф.Шамсиматов, айниқса, бош қаҳрамонлар образи талқинига жиддий эътибор беради. Компютер ўйинига ружۇ қўйган Бехзод образини кичкина актёр Абдулғофир Исахонов орқали бўрттиришсиз, ҳаққоний гавдалантиришга эришган. Бошқа болалар ижро этган роллар ҳам филмнинг томошабоплигини оширишга хизмат қилган. Эътиборли жиҳати, болалар ижросидаги ҳар бир образ уларнинг бугунги турмуш тарзига, дунёқарашига, орзу-интилишларига жуда яқин.

Шу ўринда филмни яратиш жараёнида замонавий техник воситалардан унумли фойдаланилганини таъкидлаш жоиз. Зеро, бу ҳол томошабинлар, айниқса, ёшлар эътиборини тортмиши аниқ. Қизиқарли жиҳати техник эффектлар орқали болаларнинг ички дунёсига назар ташланади. Шу ўринда бир нарсани таъкидлашни истардик. Ҳамма режиссёрлар ҳам болалар билан ишлашни хуш кўравермайди. Чунки анчагина мураккаб бу жараён режиссёрни толиқтириб қўяди. Ф.Шамсиматов эса қийинчиликлардан чўчимай, болалар билан жиддий ишлагани кўриниб турибди.

Кези келганда филмдаги айрим камчиликларга ҳам тўхталиб ўтмоқчимиз. Масалан, чол ва набиранинг бир неча бор такрор суҳбат қуриши бироз ишонарсиз чиққан. Режиссёр бу билан йилларнинг ўтишини ифодаламакчи бўлган. Ваҳоланки, воқеалар мазмунини очишда ўтган аср киносидан мерос бўлиб қолган анъанавий усулларга ҳам тўхталиб ўтмоқчимиз.

Масалан, чол ва набиранинг бир неча бор такрор суҳбат қуриши бироз ишонарсиз чиққан. Режиссёр бу билан йилларнинг ўтишини ифодаламакчи бўлган. Ваҳоланки, воқеалар мазмунини очишда ўтган аср киносидан мерос бўлиб қолган анъанавий усулларга ҳам тўхталиб ўтмоқчимиз. Масалан, чол ва набиранинг бир неча бор такрор суҳбат қуриши бироз ишонарсиз чиққан. Режиссёр бу билан йилларнинг ўтишини ифодаламакчи бўлган. Ваҳоланки, воқеалар мазмунини очишда ўтган аср киносидан мерос бўлиб қолган анъанавий усулларга ҳам тўхталиб ўтмоқчимиз.

Бир ҳодисага замон нуқтаи назаридан муносабат билдиришлари зарур. Бу борада режиссёр Зулфикор Мусоқовнинг "Кичкина табиб" филмини ёдга олиш ўринли. Режиссёр мазкур филмда бола образи орқали катталарнинг турмуш тарзини ёритиб берган ва ҳамма учун бирдек қизиқарли картина яратишга муваффақ бўлган.

Албатта, "Сой қўшиғи" филмида ҳам бугунги кун учун долзарб масалалар илгари сурилган. Филмни томоша қилган болалар ўзлари учун тегишли хулоса чиқаришларига шубҳа йўқ. Чунки бугун компютернинг сири олами кўршовига тушиб, реал ҳаёт воқеликларидан узилиб қолаётган ёшлар йўқ эмас. Шу маънода "Сой қўшиғи" филмини зарур асар деб баҳолаш мумкин.

Ҳафиза НИЁЗОВА

ТАБИАТ ВА РАССОМ



Бадий академиянинг марказий кўргазмалар залида очилган анъанавий "Табият ва рассом" кўргазмасида юртимиз рассомларининг икки юздан орқаси асарлари намойиш этилмоқда. Евгений Мельников, ака-ука Отабоевлар, Янис Салпинкиди, Анвар Мирсоатов, Валерий Енин, Виктория Трошина, Дилором Мамедова, Искра ва Светлана Шин, Акмал Жамолов каби мўйқалам усталарининг турли жанрдаги асарлари томошабинларга манзур бўлмоқда. А.Ҳамедова, М.Жуназарова, Г.Атамухаммедова каби рассомлар эса республика доирасидаги мазкур кўргазмада илк бор иштирок этишмоқда.

"Мустаҳкам оила йили"да ўтказилаётган бу кўргазма ўзбек рангтасвир санъати анъаналари давом этаётганини, айни чоғда мусаввирларимиз сафини истеъдодли ёшлар тўлдиряётганини ҳам намойён этмоқда.

РАНГЛАР ЖИЛОСИ

Кўргазма запариди

Бадий академиянинг Камолитдин Бехзод мемориал боғ-музейида Умида Ирматованинг "Оламлар қорраҳасида" деб номланган ижодий кўргазмаси очилди. Ёш рассомнинг юртимизнинг сўлим гўшалари ва ранг-баранг гуллари тасвирланган асарлари томошабинларга кўтаринки кайфият бахш этса, "Тақдир", "Интизорлик", "Орзулар", "Кун ботиши", "Қалб" каби инсоний кечинмалар акс этган асарлари мушоҳадага қорлайди.



Умида Ирматова 2001 йили йили "Миср ёш рассомлар нигоҳида" номли кўргазмада Алишер Навоийнинг "Лисон ут-тайр" асари асосида яратилган либослар жамламаси билан иштирок этди. 2002-2003 йиллар давомида "Дунёнинг яралиши", "Қалбимнинг очилмаган олами" номли рангли асарлар туркумини яратди. Бадий академияда ўтган "Аёлга бағишланган мадҳия", "Ассалом, Наврўз", "Ҳамкасблар мулоқоти" каби республика бадий кўргазмаларида туркум рангтасвир асарлари билан қатнашиб, мухлислар ва мутахассислар эътирофига сазовор бўлди.

— Умида қайси жанрда ишламасин ўзига хосликка интилади, — дейди Ўзбекистон халқ рассоми Жавлон Умарбеков. — Очиги, унинг театрда рассом сифатида ишлашини билганим учун бундай ажойиб рангтасвирлар чизади, деб ўйламагандим. У ранглар "ўйин"ини жуда зийрак илғайди, бўёқлар уйғунлиги орқали таъсирчан манзаралар чиза олади. Агар байрат-шижоат билан изланишни давом эттирса, тасвирий санъатда ўз йўлини топишига ишонаман.

С.ҚОСИМОВА

Алексей ПОПОВ олган суратлар.

Эътироф

бўшлиққа у қадар эътибор қаратилмаслиги ва олинма камчиликларнинг эътиборга олинмаслиги мултифилмларнинг савиясига таъсир кўрсатади.

Шу сабабли сўнгги йилларда "Ўзбекфилм" қошидаги мултифилмлар студияси ҳамда баъзи хусусий студиялар янги технологиялардан унумли фойдаланиш борасида самара-

лаштириш жараёни табиий ва мукамал келади. Қаҳрамонларга овоз берувчи актёрлар ўринли танланади. Шунинг учун ҳам болаларимиз бу филмларни мароқ билан томоша қиладилар.

Кейинги вақтларда анимация усталари мумтоз адабиётимизга, ўзбек достонлари ва эртақларига кўпроқ мурожаат қилмоқда-

МИЛЛИЙ МУЛТИФИЛМЛАР КЎПАЯДИ

ли изланиш олиб бормоқда. "CINEMA.UZ" компаниясида 3D дастурида суратга олинган "Самовий меҳмон" мултифилми ана шундай изланишларнинг дастлабки маҳсули бўлди. Ушбу асар замонавий тасвир воситалари, оригинал ғояси билан эътиборга лойиқ.

Кези келганда шуни таъкидлаш жоизки, юртимизда суратга олинаётган мултифилмларнинг аксарияти соддароқ тасвирда бўлса ҳам улар миллий руҳ билан суғорилган. Яна бир муҳим жиҳати, мултифилмларни овоз-



"Широк" филмидан лавҳа.

лар. Алишер Навоий асарларининг экранлаштирилиши, Тўмарис, Спитамен каби тарихий қаҳрамонларимиз ҳақида мултифилмлар ишлангани бунинг ёрқин мисолидир. Биз бундай филмлар кўпроқ ишланишини, фарзандларимиз замонавий технологиялар асосида яратилган ғоявий-бадий етук, катта тарбиявий аҳамиятга эга филмларни томоша қилишларини истаймиз. Шу сабабли "Ўзбекфилм" киностудияси ҳамда "CINEMA.UZ" компанияси ҳамкорлигида мултипликатор ва 3D аниматор рассомлар тайёрлайдиган махсус мактаб ташкил этилганидан хурсанд бўлдик.

Эндилкида бадий пухта, ёш авлод қалбига дўстлик, ватанпарварлик, юртга, оилага садоқат туйғуларини тарбиялайдиган замонавий миллий мултифилмлар янада кўпайишига ишонамиз.

Шахзод ШОМАНСУРОВ, Шоҳиста ОРТИҚОВА

Бошланиши биринчи саҳифада.

— Шахмат Шарқда дунёга келган. Унинг ватани Хиндистон эканиги тўғрисида Фирдавсий ҳам, бошқа тарихчилар ҳам ёзган. Лекин япон археологлари 1972 йили Сурхондарёдаги Далварзинтепадан топилган буюмларга асосланиб, шахматнинг асл ватани шу жойлар экан, деган хулосага келишди...



Суратда: шахмат бўйича жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов ва россиялик машҳур шахматчи Сергей Карякин.

Албатта, бу билан биз «шахмат ватани» деган номни Хиндистондан тортиб олиш ниятимиз йўғ-у, лекин шу фактнинг ўзи ҳам шахматнинг юртимизда қадим-қадимдан севиб ўйнаб келинганини англатади.

Тарихга боқасизми, бугунги кунни олиб кўрасизми, истеъдодли одамларнинг кўпчилиги шахматни севишига икром бўласиз. Масалан, ўзингиз тилга олган Амир Темур шахматга фақатгина вақтини хуш ўтказиш воситаси эмас, бугунги тилимиз билан айтганда, тактик назарий билим олиш воситаси сифатида ҳам қараган. Ўзи ҳам ўйнаган, атрофдагиларни ҳам бунга рағбатлантирган. Темурийлар саройидаги бу аёнча йиллар ўтиб Алишер Навоий ҳазратлари даврида ҳам давом этган. Бу ҳақда Мирзо Бобур ҳам ёзганлар. Унинг гувоҳлик беришича, Навоийнинг уйда ўз даврининг машҳур шоирлари, санъаткорлари тез-тез йиғилиб турган. Унда табиийки, мушоиралар бўлган, хонандаю созандалар ўз санъатларини кўрсатган. Шу билан бирга шахмат мусобақалари ҳам ўтказилган. Бу аjoyиб мухитнинг раҳнамоси шубҳасиз Навоий бобомиз бўлган. У зот шахматни яхши кўрганга, назик тушунганига ишонаман. Масалан, мана бу байти шахматга муҳаббати бўлмаган, уни ҳаётнинг ўзидек тасаввур этмаган шахс айтиши мумкин эмас, деб ўйлайман. Мана, қаранг:

Шах ёнин фарзин киби
кажравлар этмишлар мақом,
Ростравлар арсадин руҳдек
тутар ҳар дам кироқ.

Яқин тарихимизда ҳам яхши шахматчилар ўтган. Бизнинг биринчи гротмейстеримиз Георгий Азъмов эди. Унинг оиласи, отасини яхши танирдим. У кишининг уч фарзанди бўлиб, учаласи ҳам кучли шахматчилар эди. Яна бири шахмат бўйича устозимиз Мамажон ака Муҳиддинов нафақат кучли шахматчи, балки шахматнинг ҳақиқий фидойисини, жонқур инсон ҳам эди. Улар хотирасига бағишланган турнирлар ҳали ҳамон давом этмоқда. Айтмоқчиманки, аслида, юртимиз жуда қадимдан шахмат ватани. Бугун бўлаётган йиғин мана шунинг эътирофи.

— Юқорида Мамажон Муҳиддинов ва Георгий Азъмовни эсга олдингиз. Сиз уларнинг иккаласи билан ҳам ҳамсухбат бўлгансиз, донна суришсангиз ҳам...

— Мамажон ака бизга ҳам шахмат устаси сифатида, ҳам ёзувчи сифатида яқин эди. У шахмат ҳақида қўлланмалар ёзган, шахмат билан боғлиқ бир қанча ҳикоя, кассаларни ва А. Котовнинг Алёхин ҳақидаги «Оқлар ва қоралар» романини таржима қилган. Шахматнинг жуда катта фидойисини ва жуда катта тарғиботчиси бўлиши билан бирга бу киши Ўзбекистоннинг биринчи шахмат устаси ҳамдир.

Бир сафар матбуот кунига бағишлаб журналистлар ўртасида турнир ўтказилган. Георгий Азъмов шу турнирда ижодкорларга сеанс берган. Ўша вақтда Георгий Азъмов оиласи тўғрисида Мамажон ака китоб ёзган. Шу китобни соврин сифатида қўйган. Ким биринчи ижобий натижага эришса: ё ютса ёки дуранг қилса, шу совринга эга бўлиши керак эди. Георгий Азъмов билан дуранг ўйнаб, совринни мен қўлга киритганман. Лекин ўйинимиз жуда чиройли бўлган. Мамажон ака кейинчалик ўша уршув тўғрисида ёзганларида бизнинг ўйинимизга алоҳида тўхталиб ўтган. Мамажон ака тоби бўлмаса-да, республика шахмат клубининг, шахмат мухитининг гамини ёб, шахмат мухитидаги айрим мураккабликларга, қийинчиликларга юраги аниқлиб юрадиган инсон эди. Спортчини мусобақа тоблайдиган. Ҳозир ҳам давом этаётган жуда кўп мусобақаларнинг ташкил этилишида Мамажон Муҳиддиновнинг хизматлари бор. Шундай инсонлар борлиги учун Рустамлар етишиб чикди. Мамажон ака унинг биринчи тарбиячиларидан. Рустамни ҳеч мактамасди. Жуда қобилиятли бола, лекин ўзининг саломатлигини ўйламайдиган, дея баъзан хафа бўларди. Шунга ҳам қайғуриб, Рустам спорт билан шуғулланиши, шахматчи биринчи навбатда жисмоний қудратли бўлиши

керак, дея қуйиб-ёниб юрардилар.

— Албатта, Истиқлолга эришганимиздан сўнг барча соҳалар қатори юртимизда шахмат ҳам янгидан, шиддат билан ривожлана бошлади. Рустам Қосимжоновнинг жаҳон чемпиони бўлиши тасодифий эмас эди, шундай эмасми? Рустам чемпион деб эълон қилинганида кўпчилик зиёли юртдошларимиз кўзларига ёш қуйилиб келганига гувоҳ бўлганман...

— Ҳақиқатдан ҳам, Рустамнинг бу галабаси улкан воқеа бўлди. Ўзингиз ўйлаб кўринг, ракибларидан бири, масалан, Веселин Топалов — Болгариянинг фахри-ифтихори эди. Ватанида ҳамма уни эъзозлайди. Болгарияга борганимда у ерда Топаловни танимайдиган, унинг муваффақиятлари ҳақида билмайдиган одам йўқ эканига гувоҳ бўлдим.

Қосимжонов жаҳонни титратиб турган буюк шахматчилар билан яккама-якка учрашувда кетма-кет ғолиб чикди. Бу энди кичкина гап бўлгани йўқ. Биласизми, ғолиблик қонида бўлган халқ ичидан ғолиблар чиқаваради. Мана, яқиндагина саккиз ёшли Нодирбек Абдусатторов тенгдошлари орасида жаҳон чемпиони бўлди. Бу ёшда чемпион бўлиш учун иқтидорли бўлишнинг ўзи камлик қилади. Бунинг учун жуда катта база бўлиши керак. Бу — руҳий жиҳатдан тайёр, етарли билимга эга бўлиш дегани. Қолаверса, чемпионнинг қонида чемпионлик яшаш керак. Бунингсиз уринишлар самара

ШАХМАТ АБАДИЙДИР, ШЕЪР ҲАМ АБАДИЙ...

бериши қийин.

Буларнинг ҳаммаси истиқлол туфайли. Тарих учун 21 йил нима деган гап. Лекин шу даврда эришганларимиз асрга татиғуликдир. Илгари бошқа одам эдик, бошқа халқ эдик, бошқа жамият эдик, руҳиятимиз бошқача эди. Айниқса, мустанкилик арафасидаги «пахта иши» деган тухмат гаплардан бошимиз эгилиб, қолганди. Ўша пайтдаги аҳвол билан бугунги кунимизни солиштирган киши ким эдигу ким бўлди, деган саволга жавоб топади.

— Раҳматли Озод Шарафидинов ва сиз ижодкорлар ўртасидаги шахмат мусобақаларида бир неча бор ғолиб бўлгансизлар. Ўша шахмат анжуманларидан эсда қолган бирор қизиқарли воқеани айтиб берсангиз.

— Озод ака шахмат фидойисини эди. У кишининг хонадонидан бир уй тўла шахмат ҳақидаги китоб бор. Шогирдлари ҳам, дўстлари ҳам қаердан бўлса-да шахмат тўғрисида китоб олиб келиб совға қиларди. Ўйинлари ҳам бошқаларга ўхшамайдиган, чиройли юришларга бой бўларди. Бир қалъа ёзувчиларнинг Хўжакеддаги боғида ўзлари раҳбарлигида мусобақа ўтказганмиз. Озод аканинг ҳурмати учун Тошкент вилоятининг раҳбарлари ҳам келишиб, тўн-дўппи кийдиришди. Дўппи кийдириш пайти озгина аския бўлди. У киши дўппи кий тўриб «Сочимиз ҳам сизларга хизмат қилиб таом бўлди», деганларида, шогирдларидан бири: «Озод ака, вилоят аҳли сизнинг бу йўқотган сочинигизни, олтин бошингизни қадрлайди, вилоятнинг энг сўлим бир гўшасига Озодбош деб ном қўйишган», деди. Роса қулишди. Озод ака ижодкорлар мухитида шахмат турнирлари ташкилотчиси, илҳомчиси эди...

Табиатан содда, оддий одам эди. Талабалик давримиз пахтага чиқганимизда, жуда катта олим бўлса-да, бизнинг баракка келиб эрталабча биз билан шахмат ўйнади. Жуда катта арбоб, йирик шеършунос, жасоратли, ўз вақтида ҳақиқатни айта олган, адабиётимиз виждони бўлган кишига шахмат кўрк бағишларди. Умуман, улуг инсонларнинг кўпчилиги шахматни яхши кўрган: академик Саъдий Сирохиддинов, Ёлқин Тўракулов...

— Шахмат ва адабиёт, шахмат ва ижод. Шахмат жангидаги ҳаёлинигизга келган қутилмаган юришни, чиройли комбинацияни бетақор ташбеҳга ёки образга ўхшатиш мумкин. Улардан олинадиган завқ ҳам жуда ўхшаш. Шахмат ва адабиёт ўртасидаги боғлиқлики яна нималарда кўрасиз?

— Мен шахматни фақатгина спорт ёки илм, ё санъат деб эмас, балки жуда катта тарбиячи деб ҳисоблайман. Шахмат, биринчи навбатда, инсондаги курашчанлик ва галабага ишонч руҳини тарбиялайди. Ундан кейин бу ақл гимнастikasi хато-ни кечирмайди. Бир жойда янглишсанг, мана галабага етдим деб турганимда ҳам озгина бепарволик мағлубиятга олиб келади. Шунинг учун шахмат жудаям адолатли ўйин. Аниқроғи, адолатнинг ўзи. Мутахассисларнинг айримлари унинг спорт томонини, бировлари санъат томонини, бошқалари илм томонини бўрттиради. Шахматда буларнинг бари муккасман. Фикрларни умумлаштириб мен шахматни инсон тафаккури яратган мўъжиза, деб биламан. Биринчи навбатда, Шарқ донишмандлиги яратган мўъжиза бу.

Шахмат менга кўп нарса берган. Аввало ижодий

ишда. Каттароқ бир нарса ёзганда, таржима қилганда мия худди тоққа чиққан машинанинг моторидай қизиб кетади. Шунда на дам олиб бўлади, на кўзга бир уйку келади. Мия беихтиёр ўзи ишлайверади. Ана шунақа вақтда бошни чалғитиш керак. Шунда менга шахмат ёрдам берарди. Бирор позицияни, масалан, шахмат масаласи ёки этюдни олиб шунга берилсам, миям дам олади. Ижодкор ҳаётида муваффақиятли пайтлари бўлади, четга сурилиб қолган вақтлари ҳам. Шунда шахмат — тенгсиз «дафъи хумор»дир. Шу сабаб шахматдан миннатдорман. Шахматни яхши кўрган ўртоқларим даврасига кирганимда бутун дарду гамимни унутардим. Шахмат шундай нарсаки, унда галабага ишонч, қатъий мақсад бўлиши керак. Шахмат ўйнаган одам билан шахмат ўйнамаган одамнинг фарқини ажратиш қийин эмас. Шахмат ўйнаган одам бир нарсани гапиришдан олдин ўйлаб, мулоҳаза қилиб кейин гапирди. Шахмат ўйнамаган одам баъзан оқибатини ўйламай гапириб юборади. Шахмат инсонни мана шу жиҳатдан ҳам тарбиялайди.

Ҳақиқатан ҳам, шеър ва шахмат бир-бирига уйқаш.

Ҳазрат Навоий даҳосини ўйлаганимда гоҳида ақлим бовар қилмайди. Инсон боласи ёзиши мумкинми шундай байтларни! Ўйлайманки, бу улуг зот ўйнаган шатранж юришлари ҳам гўзал бўлган. Бу энди алоҳида илҳом талаб қилади. Шахматда ҳам илҳом бор, худди шеърда бўлганидек.

Агар шахмат ўйнаганимда
ўйлагандек ўйлаганимда,
Этти ўйлаб бир сурсийдан от,
Бўлмас эдим ҳар қадамда мот.
— Тошкентлик Азъмовлар, фарғоналик Мўминовлар, андижонлик Каримовлар... Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Улар энди шахмат билан профессионал даражада шуғулланиб, муайян муваффақиятга эришган оилалар вакиллари. Умуман, шахматнинг оилавий тарбиядаги роли ҳақида тўхталсангиз.

— Мен шундай оилалардан Гафуровлар оиласини биламан. Уларнинг оталари шахматчи бўлган. Ўғиллари Искандар жуда яхши шахматчи эди. Шукур Гафуров физик олим эди. Оламдан ўтмасдан олдин шундай вазият қилган экан: қабрим тошига шахмат тахтасини ўйиб, ўзим яхши кўрган дон — отни териб қўйинглар... Ўғиллари Искандар, Элдор, Аҳмажон ҳам яхши шахматчилар. Искандар дунёдан ўтиб кетди. Икки ака-ука билан кўришиб тураимиз. Оилавий шахматчилар кўп ва жуда яхши аёнча бу. Болалар катта бўлгандан кейин ҳаммаси ўзининг ташвиши билан бўлиб қолади. Ҳамма замоналарда шундай бўлган, айниқса ҳозирги техника ривожланган даврда. Шунақа пайтда оилани бирлаштирадиган нарса бўлиши керак. Баъзи оилалар биргаликда тадбиркорлик қилишди, бу ҳам яхши. Лекин шахматнинг ўрни бўлак. Йиғилишиб шахмат ўйнайдиган оилаларга ҳавасман келади.

— Шахмат мавзуси ижодингизда алоҳида ўринга эга. Муштарийларга шахмат ҳақидаги шеърларингиздан бирини такдим этсангиз.

— Бу мавзуда бир қанча шеърларим бор. Мана, шулардан бири:

Мен эркак ўрнида туришим керак,
Ё хотин эрмага юришим керак.
Хотиннинг тўй, лозим, омадаси кўп,
Ха деса лаббай деб туришим керак.
Ха деса лаббай деб туришим учун
Уйимда пул завод қуришим керак.
Уйимда пул завод кура олмасам,
Энг катта бонкани уришим керак.
Энг катта бонка ҳам қўлдан келмаса,
Ха деса шалвараб туришим керак.
Шалвараб турувчи эркак бўлгандан
Дунёдан йўқ бўлиб қуришим керак.
Дунёдан йўқ бўлиб кетмаслик учун
Мен эркак ўрнида туришим керак.
Яъни эркакларнинг ишини қилиб
Маза қилиб шахмат суришим керак.

Бу шахмат устида айтилган ҳазил шеър эди. Энди шахмат билан боғлиқ кўп қизиқ воқеалар ҳам бор. Бу аjoyиб ўйиннинг шинавандаси бўлган дўстларимга туғилган кунда шахмат совға қиламан. Шулардан бири Раҳматилла Иноғомов эди. Унга берган бир совғамга шундай ёзиб қўйгандим:

Шахматни билган Раҳматга шахмат,
Бизни дўст қилган шахматга раҳмат.
Иброҳим Гафуровга ҳам шахмат совға қилганман. Яхши шахмат ўйнайди, «Эски гаплар жонга тегди, янги гаплардан гапир» деб кўярди. Шахмат тахтаси ичига:

Эски гаплар жонга тегди, янги гаплардан гапур,
Шеърда ким — Гафур Фулом, шахматда
Иброҳим Гафур,
деб ёзиб бергандим.

Шахмат инсонни гўзалликини севишга ўргатади.

Бу туйғу барчамизни асло тарқ этмасин.

Ҳусан КАРВОНЛИ суҳбатлашди.

КАРТОШКА КРАХМАЛИ

холестеринни қамситиради

Яқингача парҳезшунослар саломатлик ва вазнга эътибор бераман, десангиз таомдан картошкани соқит қилинг ёки уни чекланг, дейишарди. Энди улар фикрини таомдан ўзгартирди: британиялик парҳезшунослар картошка қоматни бузмайдиган фойдали парҳез неъмат дейишмоқда. Фақат унинг таомдаги микдори ошмаслиги керак экан. Фойдали моддаларга бойлиги билан картошка кўпгина сабзавотлар, ҳатто мевалардан ҳам устун туради.

Америка парҳезшунослар уюшмаси ўтказган тажрибада картошкани доим истеъмол қилувчилар бу неъматни мутлақо хуш кўрмайдиганларга қараганда кўпроқ калорий ва С дармондорисини олиши исботланди.

— Картошка яхши ҳазм бўлади, ундаги бириктирувчи клетчатка меъда шиллиқ пардасини кўзғатади. Шу сабабли айрим гастроэнтерологик хасталиклар хуруж қилганда ҳам бемалол картошка истеъмол қилса бўлади, — дейди олий тоифали шифокор Т.Попова. — Картошка, таркибиди калорий тузи кўплиги боис, кўп босими юқори пайтда, юрак-қон томир хасталиклариди, шил ҳосил қиладиган буйрак-тош ва буйракнинг бошқа касалликлариди ҳам фойдали. Юрак-қон томир ҳамда гипертония хасталиклариди асосий таом сифатида картошкадан махсус калорий парҳез таом ишлаб чиқилган: у шўрва, бўтқа, котлет ҳамда кўрда ё дуҳовкада пиширилган ҳолда кунига бир неча бор дастурхонга қўйлади. Қон босими юқори беморлар ҳафтасига бир марта картошка таомлар билан оздирувчи парҳез тутиши мақсадга мувофиқ. Бунда 2 кг. картошка кўрда тузсиз пиширилиб, порцияларга бўлинади ва сув ёки шакарсиз чой билан, сутни истисно этган ҳолда, истеъмол қилинади. Картошка крахмалга бойлиги боис таркибиди углеводлар микдори (100 граммда 40 грамм) юқори, деб ҳисобланарди. Олимлар картошка крахмали склерозга қарши таъсир кўрсатиш хусусиятига эга бўлиб, қондаги зарарли холестерин микдорини қамситиришини ҳам аниқлади.

Картошкани ёғда қовуриб, чипси тайёрлаб истеъмол қилинганди қайна-тиб пиширилгандаги қара-ганда калорияси 4-6 баробар ошиб кетади ва бундай таом соғлиққа муайян даражада зиён етказиши мумкин.

— Ҳафтасига 2-3 марта кўрда ёки қайнатиб (яхшиси пўсти билан) пиширилган картошкани кичик порцияларда истеъмол қилиб туриш ҳамма учун фойдали, — дейди Т. Попова. — Арчилган картошка сувда узок сақланса, дармондорили 20 фоизга камаяди. Картошкадан котлет тайёрлаш ёхуд уни сут қайласига бўлаб, кўрда ёки дуҳовкада пишириш мумкин. Биринчи таом учун 400 грамм картошка битта тукум ва 20 г. сариеғ қўшиб бўтқа тайёрланади ва котлет қилинади. Сўнг дуҳовкада тоблаб олғач, устидан қаймоқ сурилади. Иккинчи таом учун эса, ун ва сўтдан (10 г. унга 100 г. сўт) туз қўшиб қайла тайёрланади. Картошка бўлак-бўлак кесилиб қайнатилади. Ярим тайёр бўлган, сувдан олиниб товага жойланади ва сутли қайла қўйилиб, дуҳовкада тоблаб пиширилади.

Манчестерлик олимлар меъда яраси, жигилдон қайнашининг олдини олиш учун картошка шарбатини ичишни тавсия этишмоқда. Шарбат меъдадаги микробларни қиради.

* 100 грамм картошкада 20 мг. С дармондориси мавжуд. Бу кунлик меъёрининг (қора қорағатдаги қаб) учдан бир қисмига тенг.

* Калорий тузлари 568 мг., яъни банан ва қўзиқориндагидан кўп, калорийнинг кунлик меъёри — 4700 мг. Селен микдори 0,3 мг. бўлиб кўнга-боқар пистаси ва ёнғоқдагидан кўп, селенининг кунлик меъёри 50 мкг.га тенг. Шунингдек, картошка В гуруҳидаги дармондорилар, фойдали аминокислоталар, фосфор, рух, мағний, кальций, кремний, бром, йод ва кобальтга ҳам бой.

* 100 грамм янги картошка тузсиз қайнаса 80 ккал., сўт ва сариеғ билан бўтқа қилинса 100 ккал., фри учун қовурилса 300-500 ккал., чипси тайёрлаганда эса 500 дан ортиқ ккал. қувват беради.

* Тўғри овқатланишнинг беш қоида.

Гастроэнтеролог профессор Л.Пальгованинг таъкидлашича, одамлар махсулотлардан таом тайёрлашда бироз янгилашди.

1. Қовуриш, димлаш, тоблаш афзалми ёхуд бугда ва қайнатма тарзда пишириш?

Махсулотларни қовуриб таом тайёрлаш — саломатлик учун энг фойдасиз усул. Бунда уларнинг таркибиди дармондорилар жуда кам микдорда сақланади, ҳазми ҳам оғир бўлиб, организмга яхши сингмайди. Бу жиҳатдан димлаш ва тоблаш иккинчи ўринда туради. Бинобарин, таомни дуҳовкада тоблаб пишириш ҳам димлаб пиширишдан кўра афзал эмас — уларнинг фойда-зиёни бир хил. Яхшиши тўш, балиқ, сабзавотларни зар қорғоза ўраган ҳолда тоблаб пиширинг. Бунда махсулотлар ўзининг сели ва шарбатиди пишади, шунинг учун фойдали моддалар ҳам йўқолади. Бироқ овқатни саломатлик учун энг фойдали тарзда тайёрлаш усули — бу бугда пишириш ёки қайнатма қилиб тайёрлашдир. Қайнатилган, бугда пишган таомни меъда жуда яхши қабул қилади.

2. Йогуртнинг нимаси афзал?

Қанд, таъмини ширин ва хушбўй қилувчи моддалар қўшилган йогуртнинг фойдали бактериялари бўлган табиий йогуртга мутлақо алоқаси йўқ. Ярим литрли ширин йогурт таркибиди 65 грамм глюкоза бўлиб, агар ҳар кун шундай йогуртдан бир неча шиша ичиладиган бўлса — бу ошқозон ости беши учун катта зарбадир.

3. Ўсимлик ёғи афзалми ёки сариеғ?

Агар ўсимлик ёғлари тайёрланиш жараёнида совуқ ҳолда сиқиб олинган бўлиб, дезодорациялаш орқали ҳиди йўқотилмаган ва аралашмалардан тозаланамаган бўлса, бундай ёғ сариеғдан кўра афзал. Бир неча бор қайта ишланган ўсимлик ёғларига қараганда сариеғнинг ўзи яхши. Бироқ тайёрлаш жараёнида қиздирмасдан сиқиб олиниб, таркибиди антиоксидантлар, дармондорилар, ярим тўйинган тенгсиз ёғли кислоталар чиқиб кетмаган ўсимлик ёғлари савдо дўконларида кўп эмас, болари ҳам қиймат. Қўнғабоқар, маккажўҳори ва пахта ёғи тарихида тенги йўқ линол кислотаси бўлиб, у қиздирмасдан ишлатилганда, яъни салатларга солиб фойдаланганда мувофиқлаштирувчи вазифани бажаради.

4. Қандай балиқ яхши?

Балиқларнинг треска, судак каби ёғсиз турлари нисбатан фойдали. Кўпчилик суши балиғи билан киёяланади, бироқ ундаги фойдали ёғлар тез оксидланади. Шунинг учун унда калориядан бошқа ҳеч вақо қолмайди.

5. Сабзавот ва меванинг фойдаси кўп, бироқ...

Тез ўстирувчи моддалар, нитрат ва пестицидлар ёрдамида етиштирилган замонавий сабзавот-меваларда антиоксидантлар сақлаш жараёнида йўқолади. Уларнинг таркибиди хавфли диоксин ҳам мавжуд. Диоксин елим олиди ва елим қопчалар тупроқ ва очик ҳавода парчаланмиши туфайли ҳосил бўлади. Сўнг сизот сувларга қўйилиб, ёғири, ҳаво ва ўт-ўланлар орқали истеъмол қиладиган сабзавот-меваларимиз таркибига ўтади. Томорқада пишган мевалар ҳам диоксиндан холи эмас. Диоксин организмдаги хужайраларнинг 70 фоизини ташкил этувчи тенгсиз фосфолипидларни, шунингдек, аъзои баданимизни тозалаб турувчи асосий аъзо — жигарни емирди. Оқибатда хужайралар бутун қуввати билан ишлаш олмади. Шунинг учун ҳам супермаркетлардан сабзавот-мева танлаганда ўта «ялтироқ»ларни олманг, табиийлиги қўри-ниб турганлари яхши. Уларнинг шакли чиройли бўлмаса-да, ўзимизда етиштирилган ва арзонроқ ҳам.

«АиФ»нинг 39-, 44-сонларидан.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЙ
ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ,
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ

ҲОМИЙ: «МАТБУОТ ТАРКАТУВЧИ»
АКЦИОНЕРЛИК КОМПАНИЯСИ



O'zbekiston
adabiyoti va san'ati

Манзилми: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91 Электрон манзилми: uzas@b2c.uz
Котибият — 233-49-93

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 236-56-50 Санъат бўлими: 236-56-48
Иجتимоий ҳаёт бўлими: 236-57-42 Назм ва наср бўлими: 236-58-55

Бош
муҳаррир
Саъдулла
ҲАКИМ



Ташкил қилган кўйимлар таҳсил этилмайди ва муаллимлар қайтарилмайди.

Муаллимлар фикри ташкилот нукта назаридан фарқлашиши мумкин.

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Аҳмад ОТАБОВЕВ
Саҳифаловчи — Элёр МАХМУДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси басмахонаси.

Босмахона манзили: Буюк Тўроқ кўчаси, 41 уй

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 21.40

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 13.06.2007 йил 0283-рақам билан рўйхатга олинган. Адади — 4291 Буюртма Г — 1144. Ҳақини — 3 босма таъбик А-2. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 5

ЖУМА КУНЛАРИ